

Жуманазар ТЎРАЕВ

ҲАЁТ ЧАРОФИ

Шеърлар, бадиалар

«Сурхон-Нашр»

нашриёти

2015



УЎК: 821.512.133

КБК: 84(5Ў)7

~~Т 87~~

Т 97

Ўзб. араб.

Жуманазар Тўраев

**Ҳаёт чароғи: . / Ж. Тўраев — Термиз: «Сурхон-Нашр»,
2015 й. — 76 б.**

Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, таниқли селекционер
- зироатчи олим Жуманазар Тўраевнинг ушбу китобидан
одоб, ахлоқ, инсонпарварлик зийнатларини улуғлаш,
ноҳақликдан ҳазар қилиш каби дидактик руҳдаги ҳамда
зироатчилик бобидаги панд-ўғитлари ўрин олган.

Масъул муҳаррир:

Ибодулла МИРЗАЕВ,

филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Зувайдулла ИЗЗАТУЛЛАЕВ,

биология фанлари доктори, профессор


Болта ЁРИЕВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
филология фанлари номзоди, доцент

© Жуманазар ТўРАЕВ

© «Сурхон-Нашр» нашриёти, 2015 йил

ISBN: 978-9943-4553-0-6



Ю 44293
2

НУР ТАРАТИБ ЯШАШ ЗАВҚИ

(Сўз боши ўрнида)

Киндик қоним тўкилган, қўлимга қалам тутқазиб, алиф-бони ўргатган, ота - она меҳрига тўймай оқизган кўз ёшларим гувоҳ бўлган, гоҳ нордек икки ўғлидан (Бўрихон амакимнинг отаси Кувватжон жаҳон урушидан қайтмаган ва номи ҳамон эл оғзидан тушмай келаётган колхоз раиси Шарофхон 49 ёшида отилган) айрилиб, бутун вужуди талқон, юрак - бағри қон бўлиб кетган бувижоним Саҳатойнинг, гоҳ икки фарзанд (жаҳон урушининг навниҳол қурбони бўлган тоғам Абдулла ва холам Бозорой) доғида батамом куйиб кул бўлган моможоним Иззатойларнинг табарруқ сийналарига бош қўйиб ўтказган тунларим шоҳиди, ловиллаб ёниб, ярқ этиб, кейин бир умрлик кўрга айланган илк муҳаббатимга сирдош, ўғиллари ҳам бир - биридан полвон, қизлари ҳам бир - биридан гўзал, элга бош, кўрга баковул бўла оладиган алп қомат, тадбиркор, нуруний кишилари бисёр, минг йилликлардан дарак берувчи асори - атиқаларга бой (уйимда укам Абдурашидхоннинг ўғли Музаффар топиб олган Будда ҳайкалчаси сақланмоқда), азиз - авлиёларга макон қишлоғимдан чиқиб кетганимга ҳам 55 йил тўлибди! Эллик беш йил !..

Мен билган қишлоқ илк баҳор ойларида ариқдан ҳатлаб ўтганинг ҳамона кенг сайхон-ялангликка, сон-саноксиз қўй-қўзи-ю эчки-улоқ, бия-қулун-у, туя-бўталоқ ва шоҳдор сиргир-у сакраб-сакраб онасига эркалик қилаётган бузоқчаларга, ўтовларга, шу ўтовларнинг сизни бир кади қўй ёки эчки қатиғи билан сийлашга тайёр сулув бекалари бўлган, иймон - эътиқоди мустаҳкам аҳолиси бир тан - бир жон бўлиб яшаган, каттани катта, кичикни кичик сифатида эъзозлаб келган қишлоқ бугун таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетган, сакраб - сакраб чучумома териб юрган сайхонликда бугун қўй - қўзиларнинг маъраши ҳам, йилқиларнинг кишнаши ҳам эшитилмайди. чунки собиқ Иттифокда ҳукм сурган пахта яккаҳокимлиги бу жойларни аллақачон ямлаб - ютган. Мустақиллик бўлмаганда, ким билади дейсиз, гўза зараркунандаларига қарши курашда трактор ва самолётлардан сепилган бутафос каби заҳарли моддалар

туфайли қишлоғимиз қабристонга айланган бўлармиди. “Му-
стақиллик бизга нима берди?” - дегувчилар эшитинг: сиз-
ни, оилангиз ва қишлоғингизни муқаррар қирғиндан асраб
қолди, динингизга эрк, иймонингизга куч, қалбингизга илҳ-
ом берди, ҳалол ишлаш, ҳалол луқма ейиш ва едириш бах-
тига қайтарди Мустақиллик!

Ҳикоя. Кўҳи домла деган поччамиз бўлган. Собиқ НКВД
узок йиллар у кишини қўлга туширолмай юрган. Ниҳоят,
ўтган асрнинг 50-йилларида ушлаб кетишган ва бир (ёки
бир ярим йил) тутқинликда сақлашган. Қамокдан чиққан-
дан кейин Шароф (иддин) раиснинг уйида кечган суҳбатда
шундай савол - жавоб бўлган:

-Почча, қандай қилиб сизни ушлаб олишди? - сўраган
даврада ўтирганлардан бири.

-Сиз сўраманг, мен айтмай, қайним, бир этак болани
боқамиз деб омборчи-ю ҳисобчиларнинг уйига ҳам бора-
вердик, луқмалари ҳалол ёки ҳаромлигини билмай, берган
назирларини олавердик ва илмимиз кучи кесилганини бил-
май юравердик. Ҳамма гап ҳалол луқмада!

Ўқиш учун қишлоқдан чиқиб кетганимга ҳам 55 йил бўлиб-
ди. Шу йиллар мобайнида қаерда ўқимайин, қаерда бўлмай-
ин, қандай лавозимда ишламайин, хаёлимда қишлоқни, ота-
онамни, меҳрибон ука-сингилларимни, азиз қишлоқдошлар-
имни кўмсаб яшадим. Соғинчларим авж пардасига чиқ-
қанда, соғинчимни шеърга солдим.

Жаҳонгир Искандарнинг изи бир кўприк янглиғ,
Қолган бўлса ажабмас, бу заминнинг бағрида.
“Мардлар ўлкаси”, дея ном қўйса-да мўғуллар,
Бу тупроқ зир қақшади истилолар қаҳридан.

Жаҳонни лол қолдирди топилган тепаларим:
Бир ён - Сополлитепа, бир ён Далварзин қадим.
Зараутсой санъатин боқий набиралари
Урхун битиклари-ю, ипак ёзув Дўлбаржин.

Ислом руҳин келтирган ака - укалар шунда,
Сайид Жалол биридир, Сайид Камолдир бири.

Неча асрдан буён дахлдор мангуликка,
Бу - буюк боболарнинг кечмиши-ю, тақдири.

Султон Саодат каби сайидлар шарофати,
Исломобод бўлган юрт - муқаддас Сурхондарё,
Мангуликка чулганган Термизийлар шавкати,
Шу юртда маърифатни йўргаклаб олган дунё...

Мана бу нилий гумбаз Ҳаким Термизий қабри,
Тавоф айланг бул зотни, то бўлсин руҳлари шод.
Ислом - гавҳарин сочди Исо Термизий сабри,
Ҳам авлод йўли нурли, ҳам ўзин руҳи обод.

Даврлар ўтиб, шукур, ўзгарди замон зайли,
Бобом ҳақда сўз очдим мен Истиқлол туфайли...
Бу мўътабар қабрда ётар Хожа Самандар*,
Ҳолбуки, пир санарди уни неча подшоҳлар.

Эврилгувчи бу олам бахтни ҳам берди бисёр,
Қуёшли кунлар кулган, толе ҳам кўп кулгандир.
Жаҳоннинг тамаддуни белгилари бунда бор.
Инчунун, бу ер гўё тепаликка дўнган сир.

Оламни ҳайратга солган сирларга макон тупроқ,
Онажон Сурхондарё, сен буюк - дил қуёшим.
Қайда бўлмай доимо тарифингни битаман,
То очиқ экан кўзим, то омон экан бошим.

Ахир, мавжли дунё бу, мудом чорлагай меҳринг,
Мен-ку бир зурриёдингман, сендан тугамас қарзим.
Қанот қоқмай қанчалар, юксалмай қанча баланд,
СЕНга қиламан таъзим, СЕНга қиламан ТАЪЗИМ!!!

* Ҳозир "Сурхон" фермерлар хўжалигининг Қоптўғай қишлоғида ман-
гу қарор топган Бобокалоним қабри устига маҳобатли мақбара қурилган.

Қишлоқдошларим орасида менга азиз бўлган кишилар бисёр. Вақти келиб, улар ҳақида ҳам ёзарман ёки дил сўзларимни бахтли кунларида элга ошкор айтарман. Бугун эса сўз муборак 75 ёшни нишонлаш арафасида турган, эл севган ва элни севган олим ва ижодкор, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди **ЖУМАНАЗАР ТЎРАЕВ** ҳақида.



Жуманазар Тўраев 1941 йилнинг баҳор фаслида, экин - текин бошланадиган апрель ойида Шароф Мирзаев номлари билан аталган жамоа хўжалигининг Янгиқишлоғида таваллуд топган. 1955 йилда қишлоқдаги тўлиқсиз ўрта мактабни, 1958 йилда Жарқўрғон тумани марказидаги Амир Темур (собиқ Макаренко) номи ўрта мактабни тугатган. Кейинги мактаб қишлоғимиздан 15-16 чақирим узоқда. Ўтган асрнинг 50-йилларида жамоа хўжалигида бир дона "Политёрка" (1.5 тонналик юк машинаси)дан бошқа транспорт йўқ эди. Шунинг учун у қишлоқдошлари (Омон Жамолов, Тоштемир Тайлоқов, Файзулла Чориев ва б.) билан ҳафталик емишларини елкалаб, Жарқўрғонга яёв қатнаган кезлари ҳам бўлган.

Тиришқоқ ва зийрак қаҳрамонимиз мактабда аъло баҳоларда ўқиди, муаллимлар эътиборини қозонди, китобнинг ҳам нажот, ҳам ҳамроҳ, ҳам зиё чашмаси эканлигини эрта англади. Бадий адабиётга кўнгил қўйди, Пушкин, Лермонтов, Ойбек, Ғафур Ғулом шеърларини, Шекспир трагедияларини кунт ва ҳавас билан ўқиди. Эҳтимол, кекса олимнинг зироатчилик тартиб - қоидаларини шеърга солгани, шу йўл билан ўқувчи қалбига кириб бора олгани шундан бўлса, ажабмас.

Отадан етим қолиб, онаси ва опаси билан далада кетмон чопгани, кун-у тун ишлаб қосаси оқармаган деҳқоннинг жонига аро кириш истаги туфайли, ёш Жуманазар зироатчилик касбини танлади ва бу танлов уни қўшни Тожикистон Республикасининг пойтахти Душанбе шаҳрига етаклади. 1960 - 1965 йилларда Тожикистон Аграр университетининг агрономия факультетида ўқиди. Олган билимларини амалда синая кўриш мақсадида қишлоққа қайтиб, жамоа хўжалигида агроном вазифасида ишлади.

1966 йилнинг ёзги таътилини ҳам қишлоқда ўтказдим. Қарши

педагогика институтида ўқийдиган дўстим Тожиҳон Қаюмовларникига бораётсам, орқа тарафдан “чуҳ, жонвор” деган овоз эшитилди. Қарасам, Жуманазар ака отда келаяпти.

У отдан тушиб, уст - бошини қокди ва отнинг жиловидан ушлаганча, мен билан кучоқ олиб кўришди. Кўришмаганимизга ҳам анча бўлган экан. У кўзимга бир оз тўлишгандек кўринди, жазирама иссиқда ўзи каби ҳориган отига мина-мина, аспирантурада ўқиш ниятида эканлигини айтди ва келгусида менинг ҳам илм йўлини танлашим лозимлигини уқтирди.

Жуманазар ака раис бобом Шарофхон ўлгандан кейин мен билан дилдан гаплашган, самимий маслаҳат берган раҳбарларнинг биринчиси эди.

Кечқурун Жуманазар ака билан кечган учрашув ҳақида отамга гапириб бердим.

— Отаси ҳам яхши одам ва яхши раҳбар эди, - деди хурсандчилигимга шерик бўлиб раҳматли отам. — Тўра ака Рўзимуродов асли Шерободнинг Қишлоқ бозоридан, Бухорода ҳисобчилар тайёрлаш курсида ўқиган. Адашмасам, 1937 йилдан то урушга кетгунга қадар Фрунзе (илгари Хўжа қишлоқнинг ўзи бир колхоз бўлиб, М.В.Фрунзе номи билан аталган) колхозида бош ҳисобчи бўлиб ишлади. Баланд бўйли, қора шириндан келган, чиройли одам эди. Раис акамнинг яқин дўстларидан бўлган раҳматли. Онасини ҳам биласиз, Зиёда опа, Ортиқ аканинг қизи, бош ҳисобчимиз Бердимурод Ортиқовнинг опаси.

Гапга Бекабону (отамнинг кейинги аёли) аралашди:

— Бердимурод ака яхши одам (Бердимурод ака — Ж.Тўраевнинг тоғаси). Қувончли кунда, суюнчисига қати букилмаган 10 сўм узатди, олмадим. Шундан буён кўрган жойида тўхтаб, қуюқ саломлашади, ёрдамини аямаслигини такрорлайди. Яхшиликни унутмаслик ҳам яхши фазилат-да ўргилай.

Ҳақиқатдан ҳам, кўп ўтмай (адашмасам, 1968 йилда) Жуманазар Тўраев Тожикистон аграр университетининг пахтачилик кафедраси қошидаги аспирантурага кирди. Таниқли селекциячи олим, кафедра мудири, профессор Я.Д. Нағибин собиқ талабасини шоғирдликка олди, тиниб-тинчимас, зехни ўткир, илмининг фарқи ва қадрига етадиган ёш аспирантига пахта селекцияси сирларини обдон ўргатди ва унга “Юқори сифатли тола берувчи, серҳосил дурагай шакллар олишда госсипиум хирзутум турига мансуб ғўзаларни етиштиришда чатиштириш усулларида фойдаланиш” мавзусида изланишлар олиб боришни

маслаҳат берди. 1970 йилда аспирант Жуманазар Тўраев уч йиллик дала тажриба-амалиётларини умумлаштириб, номзодлик диссертациясининг дастлабки вариантыни муҳокама учун кафедрага топширди ва устози назоратида бўлиб туриш учун вақтинча Тожикистон Фанлар академияси Дехқончилик илмий-текшириш институтининг "Ўза генетикаси ва физиологияси" бўлимига кичик илмий ходим вазифасида ишлаб турди. Ниҳоят, 1973 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

Ўза навларини одатдаги чатиштиришлар билан бирга беккросс, поликросс ва ўза навнинг узоқ эколого-географик хорижий навларини маҳаллий навлар билан дурагайлаш усуллари билан олинган F1—F3 дурагай авлодларига ота-она шаклларида ўтган ўза-нинг муҳим хўжалик аломатлари ирсиятининг авлодларидаги диапазон ўзгарувчанлиги ва ирсийланиш меъёрларини кузатишдан маълум бўлдики, ўза селекцияси учун серхосил ва сифатли сертола ирсиятлари олишда қўлланилган дурагайлаш у ёки бу усулнинг энг мақбулини танлаш имконини берди.

Дурагай навлардан юқори, сертола ва серхосил дурагай олиш учун муҳим хўжалик аломатлари тубдан фарқ қилувчи ота-она навларини танлаб гибридлаш натижасида, улардан олинган дурагай авлодларни доминантлик гемони хусусиятига эга бўлган ота ёки она жинсининг хужайралари (чангдони) билан оталантириб, (беккросслаб, қайта тўйинтириб чанглаш) натижасида олинган беккросс гибридларнинг мақсадга мувофиқини танлай олиш ўза селекциясида самара беришини тасдиқлади.

Ўза селекцияси самарадорлигига дахлдор бўлишни давом эттириш тадқиқотчининг келажакдаги бирдан бир режасига айланди.

Шу боис Жуманазар Тўраев 1974 йилнинг февраль ойидан бошлаб, Г.С.Зайцев номидаги собиқ Бутуниттифоқ ўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг (ҳозирда Ўзбекистон ўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти) "Ипак пахта селекцияси" бўлимида катта илмий ходим бўлиб ишлай бошлади. Селекция ишларига собиқ Иттифоқ давлат мукофоти лауреати, таниқли селекционер Ю.П.Хуторной раҳбар ва ҳамкор бўлди.

Жуманазар Тўраевнинг раҳбарлигида ипак пахта навларини Сурхондарё агрометеорология иқлим муҳитига мослаштириш, сифати I-III тип тола берувчи ипак пахтанинг янги яра

тилган навларини иқлимга мос равишда меъёрига етказиб гомозиготаланган шаклларини индивидуал танлаш йўли билан ўстириб, ундан тўқимачилик саноати учун тола сифати талабларига жавоб берадиган ирсиятларни танлаш натижа-сида янги ипак пахта навлари юзага келди ва уларнинг сифа-ти воҳа иқлимида бошқа навлар билан бирга синаб кўрилди.

Бу селекция ишлари ва навлар синови жараёнлари инсти-тутнинг Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги "Сурхон" тадқиқот таянч ҳўжалигида олиб борилди.

Зонал селекция жараёни, нав синови каби тадқиқотлар маз-кур агроэкологик муҳитда, институтнинг тажриба таянч пункти даласида Ж.Тўраевнинг раҳбарлигида амалга оширилди.

Селекционер олим Жуманазар Тўраев туманлаштирилган С-6040 ипак пахта навининг муаллифларидан биридир. 1975 йилда селекция ишлари билан бир қаторда, мазкур шароит-да пахтадан ҳосил олишда тўрт қаторлаб зичлаб экиш (60x20 см- 4-1) усулида гектарига 457,5 минг кўчат бўлганда ўрта толали пахта навидан ҳосил 66,4 центнерни, бир қаторлаб зичлаб экилганда эса (60x5 см-1) гектарига 232 минг туп кўчат бўлганида ҳам 66,5 центнерни ташкил этди.



Олиб борилган тадқиқотлар уруғ бир қаторлаб зичлаб экилган-да ғўзага ишлов бериш имкони ортиши мумкинлиги, унинг тўрт қаторлаб экишга нисбатан афзаллигини намоён этди (1976 й.).

Жуманазар Тўраев 1975 йилда Сурхондарё иқлим шароитида ипак пахтани плёнка остида ўстириш устида ҳам изланишларни бошлаб юборди.

Ҳам ота, ҳам она бўлиб тарбиялаган волидаи меҳрибонининг бир ўзи ёлғиз яшаётгани Жуманазар Тўраевга тинчлик бермасди. Онажонининг иссиқ-совуғидан вақтида ҳабар ололмаётганидан эзилар, дардини кимга айтишни билмай, озорланарди. Бир томонда келгусида муқаррар равишда эришилажак профессорлик унвони ва шунга муносиб лавозиму эҳтиром, иккинчи томонда она дуосидан бенасиб қолмаслик. Онаизор эса менинг ҳам онаизорим каби дийдорга мушток, ўзи қишлоқда-ю, руҳи ўғли билан. Қадок қўллари доимо дуода. Кўзларида жола, иссиқ-иссиқ кўз ёшлар.

Ривоят. Бир полвон жангга доимо яланғоч кирар экан. Бир неча йилдан кейин уни юз-кўзигача совутга ўралган ҳолда кўрганлар ундан сўрашибди:

— Ҳа, полвон, нега бунчалар зирҳга (ўқ ўтмайдиган, қилич кесмайдиган совутга) ўраниб олдингиз?

— Оҳ, — деган экан полвон, — энди онам йўқ, дуоғўйим йўқ! Шамол ҳам тешиб ўтадиган бўлиб қолди!

Ў, биродарлар, онанинг дуосига шошилинг, отанинг оқ фотиҳасидан бенасиб қолманг. Ота-онага пой-патак бўлишда фарзандларга, кўни-қўшниларга, атрофдагиларга ўрнак бўлинг. Зора, фарзандларингиз ҳам сизларга шундай пой-патак бўлса. Сизлар ҳам, муҳтарама келинлар, қайнонангизни ҳам онангиздек эъозланг, икки дунёнгиз обод бўлади...

1995 йил май ойида Термизда Зараутсой тарихига бағишлаб анжуман ўтказиладиган бўлди. Менинг ҳам маърузам режалаштирилган. Сафар варағини олиб, тўғри қишлоққа келдим. Онажоним супада тўшак қилиб ётарди. Қимирлагани кўймадим, тиз чўкиб онамни қучоқладим, юз-кўзидан ўпдим. Қон босими юқори экан. Дори бердим. 4-5 дақиқадан кейин туриб ўтирди ва соғинч ёшлари билан деди:

— Қанотим бўлса экан, эрталаб Сизни кўриб, кечқурун уйга қайтсам.

— Термиздан келиб, сизни олиб кетаман, 3-4 кун даволашиб қайтасиз, набираларингиз ҳам соғинган, — дедим.

— Раҳматуллажоннинг тўйига бораман. Қачон уйлантирасиз ўзи? Йигирма иккига кирди!

Бу охириги учрашувимиз эканлигини қайдан билибман. Бўласининг ўғли Нормуроднинг фожиали ўлиmidан қон босими ошиб бир неча сонияда фариштадек осмонларга

учиб кетди онажоним, волидаи меҳрибоним. Ўзининг боласи ўлганда ҳам кўзидан нам томмайдиганлар қанча! Бировнинг боласини деб шунчалар кўз ёш тўкадиганлар ҳам бор экан бу дунёда. Бу — менинг онам, мулла Саидназарнинг тўрт хотинидан каттаси — Иззат момодан туғилган қизи.

Воқеа. Мулла Саидназарнинг отаси Оллоназар Хожи бой-бадавлат киши бўлиб, биринчи хотини ўлгандан кейин Холбой бобонинг (Жуманазар ва Улабойларнинг отаси) опасига уйланган экан.

Отаси вафот этгач, Бухоро мадрасаси таҳсилидан қайтган мулла Саидназар отанинг моли болага ётмайди деб, уйидаги бор олтин тангаларни маййитнинг устига сепиб юборган экан (момом ва онамнинг ҳикоясидан).

Қишлоғимизда ёвқур полвонлар ҳам бор эди. Шулардан “тобоқ” полвон бўлганлари, менимча, Жамолхон полвон, Мўмин полвон, Қаҳҳор полвон, Абдулла (Хуррамов) полвон, Эшин полвон ... Биздан Валламат полвон чиқмади, Тожикистондан сурув-сурув қўй ҳайдаб келгани бўлмади. Аммо чобоғонлари кўп бўлган. Уларнинг сардори, шак-шубҳасиз, Шароф раис бўлган. Шунингдек, мен Ашур бобони ҳам, Эгамберди (Аннак) акани ҳам, Мирзахон тоғани ҳам, улардан кейин Сайдаматхон ва Сапархонларни ҳам яхши чобоғон эдилар деб биламан. Ҳозир-чи? Билмайман. Қизиқмабман. Лекин аминман: Бугун бўлмаса, эртага қишлоғимиз номини донг таратадиган полвон ва чобоғонлар, албатта, чиқади. Бунинг учун она чақалоқни пок сийна билан боқиши керак.

Воқеа. Давр алломаларидан бири шайхулислом мартабасига муносиб кўрилганда, ҳаяжонини тизгинлай олмаган ота аёлига шундай деган экан:

— Аяси, нури дийдамизнинг бундай улуғ мартабага эришувида сизнинг ҳам хизматингиз борми?

Шунда она:

— Сизнинг хизматингиз бор-йўқлигини билмайман-у, лекин мен ўғлингизни бирор марта ҳам бетаҳорат эмизмаганман!

Келинойилар, бу сўзларнинг мағзини чақинг, ҳаром-халиш ҳолатда гўдакка сийна тутманг. Йиғласа-йиғлаб турар!..

Онаизор дийдорига муштоқлик Жуманазар Тўраевни қиш

лоққа қайтарди, олдиндаги шон-шухратлардан воз кечиш-га ундади ва ниҳоят, 1974 йилда Қумқўрғон туман қишлоқ хўжалик бошқармасига бош агроном лавозимига таклиф этилди. Орадан кўп ўтмай, “Ўзқишлоқкимё” бирлашмаси-нинг туман филиалига раис этиб тайинланди, агрокимё хиз-матыни ташкил қилди.

Рўзимурод бобо Шеробод туманининг “Қишлоқ бозор” қиш-лоғидан тақдир тақозаси, шўролар тузими даврида тирикчи-лик юзасидан ҳозирги Юқори Қақайди қишлоқ фуқаролар йи-ғинига қарашли “Халқобод” маҳалласи ҳудудида муқим яшаб қолган. Арслонбойи даҳасидан бўлган.

Қатағон йилларида Рўзимурод бобо айрим баднийат ки-шиларнинг ғаламисликлари туфайли қулоқ қилиниб, Тер-миз қамоқхонасида отиб ташланган. Унинг қизи Ойбиби ҳам қулоқнинг боласи сифатида Магаданга сургун қилинган, Ма-гаданда самарқандлик бир кишига турмушга чиқиб, 2 та қиз кўрган ва Сталин вафотидан сўнг қизлари билан қиш-лоғига қайтган. Ўғли Рўзимуродов Тўра 1941 йилнинг охир-ларида Челябинскка сургун қилинган, касал бўлиб, госпи-талда даволаниб чиққандан сўнг, биринчилар сафида “штрафной батальон” таркибида фронтга жўнатишган ва бедарак йўқолган. Бу фикрни “Хотира” китоби, Подольскдан олинган маълумотнома ҳам тасдиқлайди.

Рўзимурод бобонинг уч ўғли (Жўра, Тўра ва Хўжан) ва 4 қизи (Давлат, Холбиби, Ойбиби ва Улуғой) бўлган. Ўғилла-ри ўз замонасининг қишлоқдаги зиёлиларидан ҳисоблан-ган. Масалан, Жўра бригадир, Тўра “Фрунзе” колхозининг бош ҳисобчиси, Хўжан Жарқўрғон туманидаги “Қора ёғоч” қишлоғида ўқитувчи бўлган. Хўжан ҳам иккинчи жаҳон уру-шида бедарак йўқолган.

Омон хола (Жуманазар аканинг момоси) эри Рўзимурод бобо Термиз қамоқхонасида отилгандан сўнг, қонга беланган кўйлагини олиб келган. Шўрлик момо маҳраמידан, 3 ўғлидан ажраб, уруш домидан, қатағоннинг мудҳиш зарбаларидан туну-кун оху-зор чекиб, 1961 йилда ҳаётдан кўз юмган.


Жуманазар Тўраев отасининг 75 йил илгари кийиб юрган катта-катта гулли сатин тўн ва 19-асрга мансуб темир крава-тини ёдгорлик сифатида уйида сақлайди, уларни кўрганда иккинчи жаҳон урушига, қатағон йилларнинг дахшатли бўрон-ларига лаънатлар ўқийди.

Дунёда улуғдир ота иззати,
Ота борки, гўзал ҳаёт лаззати.
дея шеърлар битади.



Жуманазар Тўраевнинг томорқа шароитида хандон писта дарахтини етиштираётгани ва ундан ҳосил олаётгани ҳам кекса селекционар олимнинг машаққатли изланишлари меваси, ўзига хос кашфиётдир. Бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида, республика “Қишлоқ ҳаёти” газетасида, Сурхондарё вилоят ва Қумкўрғон туман газеталарида мақолалар ёзилган.





Биз эса комил инсон, тиниб-тинчимас олим, бутун онгли ҳаётини эзгу ишларга сарфлаётган қадрдонимиз Жуманазар Тўраев билан ҳақли равишда фахрланамиз. Қишлоғимиздан шундай фидойи инсонларнинг кўплаб чиқишини Яратгандан сўраб қоламиз.

Ибодулла МИРЗАЕВ,
филология фанлари доктори,
Самарқанд давлат университети
профессори

ДИЛДАГИ БИСОТИМ МЕНИНГ

Дунё омонатдир, келганлар кетар,
Ҳалол яшаганлар муродга етар.

Доим мусаффо бўлсин еру осмон,
Бежо қўйманг қадам, келтиргай армон.

Малҳам бўлинг мудом инсон дардига,
Ҳаловатин сақланг, етинг қадрига.

Мажлисида ҳаволанди бир текинхўр кас,
Минбар чиқиб, алжиради овсарга қиёс.

Биров бор: ичи пуч, лек тўккай савлат,
Хода етмайди димоғига, жуда баланд.

Илму маърифатдан беҳабар сатанг,
Фирромликдан бойиб яшайди, аттанг.

Билингки, фирром ғаним туради,
Ғанимлар фирром йўлдан юради.

Фирром, ғаним-бари бир,
Сен улардан нари юр.

Нокаслар галаси мунофиқ, фирром,
Улар таом еган коса ҳам ҳаром.

Покдомон сеҳридан покланур одам,
Бадкирлар макридан булғанур олам.

Ҳасадчи яхшилик тиламагай ҳеч,
Доми панд беради эрта ёки кеч.

Ҳасадчи қабрга кирганида ҳам,
Мозоридан ҳазар қилади одам.

Ари мисол устоз йиғиб илмдан,
Баҳам кўргай неъматини эл билан.

Нокас суҳбатидан узоқ юр, узоқ,
Тушингда кўрсанг ҳам, бекитгил қулоқ.

Гулнинг бўйи, рангидан завқ олар киши,
Одоб ҳам гул каби одамнинг нақши.

Боадаб одамга ҳар сўз зебо кетади,
Беадабни зар ҳам рангпар этади.

Тилагим: мавж урсин доим адолат,
Адолат тигидан дафдир хиёнат.

Кўп ўйла сўзлашдан аввал,
Дағал сўзни айтма бемаҳал.

Кекса ўғитидан олгин тарбият,
Кексалар каломи ҳикматдир, ҳикмат.

Кексалар боши-ақлга хона,
Шу ақл жомидан сипқор мардона.

Ёшликнинг шиддати, ҳикмати баланд,
Шиддату ҳикматин ҳор этма, фарзанд.

Завол келтиргай, нафс девин муштра,
Безавол йўлни ёшлиқдан ҳуштра.

Чақимчи эрур бир олашақшақ,
Совуқ овози озори қулоқ.

Пул либосига бурканган нодон,
Филни ҳам пашшадай кўради осон.

Умринг эл нафида, бил, оби ҳаёт,
Меҳнатнинг таги роҳатдир, роҳат.
Бесамар ўтмасин ёшлиқ даврони,
Парвариш этгин умринг карвонин.

Фойданг тегса, у дўст бугун,
Иши битгач, унутгай бутун,
Таъмагирдир нафсин ташнаси,
У кисса ва коса ошнаси.

Савлатини кўрганлар қилади ҳавас,
Гар эшитсанг сўзини, бўғилар нафас.

Фазилатинг, зийнатинг-сирингни сақла,
Бил дилдаги банди, маҳкамроқ боғла.
Ўзгага айтма, бўлса ҳам емакдош,
Ихтиёринг кетгай, сиринг бўлса фош.

Умринг ўтиб кетгай, кутмасдан фурсат,
Хайрли ишларда ҳимматинг кўрсат.

Умр инсонга берилар бир бор,
Тежамли фойдалан, этма асло хор.
Ўтган онлар асло қайтиб келмайди,
Ҳар кунинг, ҳар онни ўтказма бекор.

Ёшлиқдан нафсингни кўп тарбият қил,
Ҳимматингни кўриб олқишласин эл.

Дунё кимларга вафо, кимларга жафо,
Кимга бахт, кимга тахт қилур ато.
Умрингнинг ҳар онин хуш ўтказ, эй дўст,
Эзгулик йўлин тут, айла жон фидо.

Эгрининг кўзи доим олазарак,
У илиб кетар, ғулакми, тезак.

Бахтиёр яшамоқ истаса эр - хотин,
Капада ҳам қувноқ яшамоқ мумкин.
Шоҳона яшаш бўлса - да қошона макон,
Лек бўлмаса фароғи, афзалдир зиндон.

Умр ўтгай туну кун ел сингари,
Ортда қолгай яхшию ёмоннинг бари.
Қалбингда яхшилик уруғин кўкарт,
Шунда бўлгай сендан ёмонлик нари.

Қолсанг замондан ортда,
Сен кераксиз жонзот - да.

Хатога йўл қўймай яшаш ўзи бахт,
Билсанг, шу бахтнинг ўзи тожу тахт.

Қалбингда эзгулик уруғини соч,
Яхши инсонларга доим бағринг оч.
Эл аро яхши ном орттирай десанг,
Нокас - ёмонлардан мудом нари қоч.

Яхшилар-гул, гулдан гул унар,
Ёмондан ниш, оловдан кул қолар.

Вақт оқар сувдир, қайтмас, қил бовар,
Ҳар лаҳзасининг қадри бетакрор.
Умрнинг ҳар онин серфайз айласанг,
Завол кўрмайсан ҳаётда зинҳор.

Ҳасади пинҳон, сўзи эҳтиром дўстдан нари юр.
Пинҳона чалиб, бир куни дилни қилгай бехузур.

Нопокларнинг тиш синдиргай оши,
Ундан содиқ дўстнинг айрони яхши.
Яхши дўст фаҳринг, бир умр сийла,
Дўст танлаш ҳам донолик, чуқур ўйла.

Ёмон бўлсанг, дўстлар қочар ёнингдан,
Ёмон дўст айирар ҳамёнингдан.
Шайтонсифат бўлса дўстинг, кун келиб,
Мосуво айлагай хонумонингдан.

Кимнингки нафси тийиқ, ўзи беозор,
У ҳар қандай эзгуликка доимо тайёр.

Донолар суҳбати - ақл чароғи,
Ҳар сўзи илм, тафаккур яроғи.
Сабоғи гавҳар эрур, хислатларга ёр,
Қуёшдай меҳрида маърифат бисёр.

Улуғларнинг умри боқийдир, ўлмас,
Билим чашмалари битмас-туғамас.
Бадкирдорлар ишин ҳеч ким хушламас,
Яхши бўл, меҳнат қил яхшиларга хос.

Ифвогар сув ичган ариқ ҳам макруҳ,
Унда фитна захри, синдиради руҳ.

Хушомадгўй иши битгунча тили ширин,
Иши битгач, уни асло топиш қийин.

Номард айтади ҳам, бил, қайтади ҳам,
Ҳар мақомга тушади берсанг дирҳам.

Эзгу амалларга сарфла куч - ғайрат,
Эл қалбида номинг қолгуси, албат.

Умрингни шод ўтказ, доим хуррам бўл,
Яхши инсонларга ҳамдард, ҳамдам бўл.
Шунда эл қалбида қолади номинг,
Маърифатли бўлгай нома аъмолинг.

Ҳийлагар иши битгунча афсунгар,
Сендан теккунча қўли кўксида бўлар,
Ҳар кўйга тушиб, қалбинг қилгай ром,
Иши битгунча билмайди ором.

Донолар суҳбати мисли булоқдир,
Фиску фасодлардан доим йироқдир.
Донолар олдида нодонлар, билсанг,
Тутаб ёнолмаган чироқдир.

Сўз ақлу қиёфанг либоси, албат,
Сафсата сўзлашни қилмагил одат.
Одамлар сўзингдан топганча маъно,
Десинлар: Ана суҳандон, одами аъло.

Айлай десанг қалбни илмга қон,
Донолар даврасида ҳозир бўл ҳар он.
Улар суҳбатида дунё ганжи бор,
Ҳар бир ҳикматидан олам мунаввар.

Мансабу бойликдан талтайиб,
Ўзлигини йўқотган одам,
Элнинг назаридан қолгайдир,
Гўё нурсиз ёниб ўчган шам.

Қолмас жаҳонда ҳеч ким барҳаёт,
Аммо қолгай ундан яхши, ёмон от.

Сўзингдан ўзгага етмасин завол,
Гапирганда эс - хушингни йиғиб ол.

Хикмат - хушоҳанг сўз чашмаси,
Лаззати тан оромга, дил шифоси.
Хикмат эскирмас сўзларнинг дури,
Хар қадамда ҳаёт дастури.

Ким тўғри сўзга қилмаса амал,
Гўё айлағайдир ўзини қамал.

Фазилатинг - зийнатинг, гуруринг сақла,
Эзгулик йўлида белингни боғла.
Донолар даврасин бўлгил қувноғи,
Элга нафлиларнинг содиқ иноғи.

Топиб гапир, ҳурмат кучар сани,
Бемаврид гапнинг қадри қани?!

Илминг бирла оч ҳаётнинг тилсимин,
Эл қўллагай билимли инсон ишин.
Илмли қоқилмағай асло ҳаётда,
Ўз ташвиши билгай эл ташвишин.

Бадном яшамок аҳмоқнинг иши,
Элга исноддир унинг қилмиши.
Хор этма сўзни, айлаб насихат,
Тузатмас уни қоронғу лаҳад.

Қора қалбдир адолат кишани,
Поклар унинг асл душмани.

Ким ҳалолдир, у адолат посбони,
Қайда бўлса, кўмакчи, сардори.
Ҳозир бўлар эл бошига иш тушса,
Адоватга шафқати йўқ ҳамиша.

Яхшига яхшилик ирода қил,
Обод бўлгай ҳар икки кўнгил.
Ёмонга яхшилик қилсанг унутар,
Кўрса тангликда, паналаб ўтар.

Ҳийлагар суйканса, наф кўзлар бирон,
Йўқса, бўлмас эди бунча меҳрибон.

Дўст келса, шод бўлгай аҳли хонадон,
Бу туйғуни қайдан тушунсин нодон.
Шоир эзгуликдан сўйлар умрбод,
Шоир ўтгай, шеъри қолгай то абад.

Тангликда қарз берсанг бировга,
Сен нарса сўрама гаровга.

Бировким мақтаса юзингга ошкор,
Бил, унинг сенда бир юмуши бор.
Ялтоқланиб уни айтдими осон,
Бу дил сохталигидан нишон.

Бадкир одамни кўрсанг, ўзингни яшир,
Улар ҳар қадамда ғийбатлар ташир.
Унутма, бадният одамлар дилида макр,
Кўриб, йўлингдан тойма, қадаминг ошир.

Қоқилган кексани суяб қололсанг,
Ҳурмат айлаб, дуосини ололсанг,
Кексайганда ўзинг ҳам ҳурматдасан,
Шон топурсан, шунга лойиқ бўлолсанг.

Бебош бўлсанг ёшлиқдан,
Дўстлар қочар қошингдан.
Дўст тополмай дунёда,
Умринг ўтар гирёнда.

Билсанг, ёшликнинг баҳори гўзал,
Фараҳбахш онлари, наҳори гўзал.
Ёшликда ёшликнинг қадрига етгин,
Умринг ҳар субҳи, саҳари гўзал.

Ёшлигингда билим ол, хунарли бўл,
Эл ичида ғурурли бўл, орли бўл.
Кексайганда эл ҳурмат қилсин десанг,
Бисотингда ҳар на бўлса, борли бўл.

Қандай ибтидо бор, топар интиҳо,
Ёшлик асло қайтмас, ёшлик бебаҳо.
Ёшликнинг қадрига етса ҳар инсон,
Қалбида завқ бўлгай, бўлмагай армон.

Умринг ўлчови қайси бекатга етар,
Билмайсан туш каби ўтар-кетар.

Шоирликка йўқ даъвом, ҳаётдан сўзлар қалам,
Илҳом берди ҳаёт завқи, рангин бу олам.

Оқил арбоблар кемасида суздим,
Кеку манманликнинг биносин буздим.

Бошга қиров тушганда,
Фозиллик ниш урди танда.

Яхшилик бирла ном қолдирса инсон,
Тирикдир, ўтса ҳам ҳар қанча замон.

Ажал тандан жонни қилганда жудо,
Бисотинг бўлгуси икки газ мато.
Қолур тожу тахт ҳам молу давлат,
Фақат имонингни айла саломат.

Ҳаётдан кетганлар келмас ҳеч қачон,
Қолдиргин ўзингдан яхши ном, нишон.

Ҳаётга мазмун беролмас одам ҳайбати,
Инсон умрини безар баланд бўлса ҳиммати.

Тангри берган умр, билсанг, бир синов,
Яхшилигинг ошкор сезмасин биров.

Илми беқиёс шогирдсиз донишманд,
Мевасиз ўсган дарахтга монанд.

Умрида элга нафи тегмаган ҳар кас,
Яшаши мақсадсиздир, нодонларга хос.

Умрингни безагин яхшилик билан,
Яхшилик яхшидир яхшилик билан.

Кимки яхши сўзга қилмаса амал,
Умри бесамардир, иши таваккал.

Кимки ўз умрин ўтказса зое,
Демак, у яшабди беиз ҳавойи.

Диёнат қалбларни айласа макон,
Хиёнат кўрмагай бу аҳли жаҳон.

Садоқат - ла улуғ ишларга қўл сол,
Олтин олма, элнинг дуосини ол.

Ким бировнинг меҳнатига суянса,
Билки, у ўлик мисоли кимса.

Тақдирни тадбир қилолмас ҳеч киши,
Бу тангрига хосдир, бу унинг иши.

Умрини бесамар ўтказса инсон,
Бу ҳаёт унинг-чун қоронғу зиндон.

Умр берилар ҳаётда сенга бир бор,
Уни яхши ўтказ, қайтмагай тақдор.

Кунларингни елдек совурма ҳаргиз,
Кетган қайтиб келмас, қолдир яхши из.

Умринг лаззатидан баҳраманд бўлгин,
Ҳар онинг хуш ўтказ, ўйнагин, кулгин.

Гарчи яшасанг - да тўқсон йил, юз йил,
Ҳар дам ўтган кунинг сарҳисобин қил.

Ўтар ёшлик туну кун ел сингари,
Из қолдирар яхши-ёмон ишларинг бари.

Қадам ташла ёшликда ўйлаб ҳар чоқ,
Ҳаётда йўқдир ҳеч равон сўқмоқ.

Ёшлик ўтиб, кексалик келиши тайин,
Кексалик гамин е, кун, соат сайин.

Ёшлик худди баҳорда чаққан чақмоқ,
Қадрин бил, кексалик урмасин тўқмоқ.

Ёшлигингдан ялқовликни танлама,
Кексайган чоғ ғаму ғусса кўп ема.

Билгин, қайтмас ёшлик баҳори,
Қалбда қадри ошар кексайган сари.

Ёшликда ҳар кимки бўлса хунарли,
Кексайгач, ҳаёти бўлғай ибратли.

Кимки ёшликда илмга ошно бўлар,
Кексайган чоғида доно бўлар.

Ҳар кимки ёшликда хунар ўрганар,
У бекаму кўст рўзғор тебратар.

Хушнуд ўтказсанг гар ёшлик чоғингни,
Гулга буркагайсан ҳаёт боғингни.

Ҳамма дарднинг бошидир асаб,
Бировга отма сўздан ўқ ясаб.

Ёшликда ким номаъқул иш қилар,
Умр бўйи юзида тамға қолар.

Ёшликнинг қадрига етмаса киши,
Кексайганда бесамардир турмуши.

Нима тортиқ айласанг меҳмонга муносиб,
Сенга ҳам бўлади шундай дастурхон насиб.

Ҳаддинг сиғмаган ишга урма ўзингни,
Сўнг уятдан бекитма юзу кўзингни.

Фаним нопок йўлга бошлар,
Бу йўлга кирган кўзин ёшлар.

Соф ният одам пок йўлни кўзлар,
Нопок кимса покдан кир излар.

Нодоннинг кўрмай кўрганига қаранг,
Унут бўлгач йўқлиги, алиқ олади аранг.

Қаерда адолат ғолиб юрар,
У ерда поклик барқарор.

Дема бировга бадбахт сўз, лаънат,
Жаҳлингни мағлуб эт, йўқдир касофат.

Пок сақла асли - наслингни,
Маҳкам ушла икки нафсингни.

Уят, виждон сотилган танда,
Ор - номусдир, билсанг, бир танга.

Беномус уйдан чиқса кўзи олазарак,
Қайдан тутун чиқса, уйма - уй ҳалак.

Нодон донони кўрган чоғи,
Ҳасад қилиб куяр димоғи.

Машаққат юкига чидамаса ким,
У на донишманддир, на олим.

Бемаъни ғурурга ким шайдо, бешак,
Унда маърифатдан дарак йўқ, демак.

Давлатинг зўридан қилма иззат талаб,
Ҳурмат қилсин одамлар ақлингга қараб.

Ким кишига қилар эҳтиром изҳор,
У элнинг меҳрига доим сазовор.

Ўзгалар ҳимматин унутган кимса,
Эҳтиром кўрмагай қайсари борса.

Совуқ ўзни тарашадек отма,
Ўқ бўлиб қайтгайдир, албат, унутма.

Ота мерос давлат - умрингга етмас,
Ота мерос тарбия - бир умр кетмас.

Нафсингни қўйворма, у ўт омонсиз,
Билгин, фарқ бўласан ному нишонсиз.

Душман яхши - ёмон, катта - кичик эмас,
Занжирбанд бўлса - да, тиф ургай, кўз илғамас.

Жонсарақ ётса - да душман,
Зийраклик даркор ҳар қачон.

Ҳар қадамда зийраклик даркор,
Сув ичсанг - да, бўл мудом хушёр.

Харжла фақат қанча талаб - эҳтиёж,
Бўлмайсан ҳаргиз бировга муҳтож.

Довруғинг достон бўлса ҳам эл жаҳонида,
Одамийлик фазлинг сақла қалб жавонида.

Очкўз хазина қилади жам,
Асли бой - қаноатли одам.

Зорлик кўрмайди тежамкор одам,
Сабр ила меҳнат унгадир ҳамдам.

Пасткашнинг оши, тишинг синдирар тоши.

Ҳеч кимни қилма оёқости,
Одамларнинг сенга ошмасин қасди.

Доим эл оққан манзилга интил,
Фақат элга ёқадиган ишларни қил.

Таъма хуржунини осган амалдор,
Соянгдан ҳам умид қилади ғаддор.

Хайрсиз - таъмагир одам,
Вафо қилмас қавмига ҳам.

Нодондан мурувват кўрмагай киши,
Доим бахилликдир унинг қилмиши.

Мабодо илк бора тутинса ҳамроҳ,
Дарҳол сирингдан этмагин огоҳ.

Нодон аралашса доно ишига,
Ташвиш қўшилади эл ташвишига.

Нодоннинг сўзидир қалбнинг тўқмоғи,
Қийин - унинг доно гапин уқмоғи.

Агар нодонлардан бўлса улфатинг,
Бир умр аримас бошдан кулфатинг.

Нодон билан чиқсанг шикор, сафарга,
Йўлинг йўқотасан, қулайсан жарга.

Нодон бой бўлгани сайин,
Манманлиги ошиши тайин.

Нодон билан ҳамроҳ бўлма зинҳор,
Ҳар ишида унинг бир нуқсони бор.

Нодондан кутмагил ҳаргиз мурувват,
Ёғилур бошингга турли маломат.

Қуриб берса ҳамки тилла кошона,
Нодон билан асло бўлмагил ошна.

Сабрлилик етказди муродга,
Бесабрлик қолдиради уятга.

Нокаслардан кутма асло яхшилик,
Уларнинг қилмиши фақат бахиллик.

Нодонларга эргашмагин ҳеч,
Бадном қилур, пушаймонинг кеч.

Ҳамма сукут сақлар мусибатли дам,
Нодон таъмизсиздир ўша жойда ҳам.

Ташқи суврати ҳашам бўлса ҳам,
Худбиннинг қалбида эзгулиги кам.

Нодон бирла бўлмагин ҳамкор,
Борингдан айириб, этар сени хор.

Оғир кунда ким бўлса сенга мададкор,
Чин дўстинг шул эрур, бошқаси ёлғон.

Дўстларинг бўлса камарбаста,
Оғиринг енгил бўлар бир пастда.

Чин дўстлик қаримайди,
Уни меҳр асрайди.

Жоҳил билан бўлма иттифоқ,
Манманлиги бошингга тўқмоқ.

Дўстларинг қанча кўп бўлса, жонажон,
Унутма, оласи ҳам бўлади пинҳон.

Чин дуст хатойинг айтади аста,
Сир яширгай ул камарбаста.

Дўстлар даврасига гар қўйсанг қадам,
Камтар бўл, қанчалар улуғ бўлсанг ҳам.

Манфаат излаган сохта дўстдан бўл йироқ,
Ундай дўст бўлганидан бўлмагани яхшироқ.

Кимнингки ёру дўсти кўп эрур,
Унинг ҳар бир қилган иши хўб эрур.

Яхши дўстинг ёмон кунда бош бўлур,
Ёмон дўстинг қалби мисли тош бўлур.

Нодонни дўст билма асло ўзингга,
У сенгамас, дўстдир нону тузингга.

Яхши дўст қувонади борингда,
Ёмон дўст кўз олайтирар ёрингга.

Яхши дўст ҳурматингни оширар,
Ёмон дўст номинг лойга ботирар.

Яхши дўст ишинг тушса югурар,
Ёмон дўст тузлуғингга тупирар.

Дўсти кўпнинг иши доим беш,
Дўсти йўққа иллат бўлар эш.

Дўстинг бўлса оқил ва доно,
Ишларингда бўлмас муаммо.

Ёлғончи дунёда доим дўст изла,
Дўстлик бузилмасин десанг, рост сўзла.

Сўз майдонига чиқсанг отилиб,
Сўзла барчани ҳайратга солиб.

Доно донолар сўзига тутгай қулоқ,
Нодон киши яхши сўзлардан йироқ.

Чақимчининг бир лўкма сўзидан,
Суҳбатга дарз кетар ўз - ўзидан.

Яхши кўшиқ ҳузур бахш этар,
Зўрлаб айтилгани қулоққа озор.

Ширин сўз сеҳри жонга оро,
Аччиқ сўз ажал келтирур гоҳо.

Қаҳри кўпнинг тили заҳар,
Меҳри кўпнинг сеҳри ёқар.

Меҳрингдан қаҳринг келса устун,
Ишинг бўлар остин - устин.

Сафсатабоз сўздан қолмас,
Сўзларида маъно бўлмас.

Ишингда терс кетиш бўлса ҳукмрон,
Айбни ўзингдан изла, қилма бировдан гумон.

Ширин калом, ширин таом,
Танга роҳат иккиси ҳам.

Тилинг ва қўлингдан озор бўлмасин,
Тили бол, қўли гул деб эл эсласин.

Ширинсухан, ақли расо,
Ҳар дардингга сўзи шифо.

Ҳикмат, мақол-қалб дури,
Ундан бебаҳра одамнинг ғури.

Ким ҳикматдан нари - пуч бошоқ,
Мантиғи йўқ, сўзидир қашшоқ.

Умр ўткинчидир билгин, беш кунлик,
Этма бир онини асло қусурлик.

Ҳаё кимда муҳайё, у гўзал сиймо,
Ҳаёсиз юз-жонсиз жасад дегандир Сино.

Жисмоний соғлик - тириклик, бешак,
Маънавий соғлик - ақлга безак.

Бахт йўлининг боши - меҳнат
Ва самараси тожу тахт.

Ноҳалол бойликдан ким топса роҳат,
Оқибат бошига тушгай надомат.

Хунарин шогирдга қолдирган одам,
Гўё тирикларга ҳамнафас, ҳамқадам.

Дев бўлсанг - да ақлинг тушмаса ишга,
Ишингда зийнат йўқ, бошни ур тошга.

Вактни қадрлаш - зафар,
У умр дафтарини безар.

Ҳалол меҳнат режасини туз,
Самараси сенга ризқу рўз.

Кишининг ҳаққига қилсанг хиёнат,
Демак, сен текинхўр, йўқдир диёнат.

Бахтиёр яшамоқ истаса кўнглинг,
Ижобати меҳнат, боғлагил белинг.

Хунарсизнинг ортида қолмагайдир из,
Хунарсизнинг қозони доимо жиз - биз.

Меҳнатсиз роҳатни қилмагил хаёл,
Бил, меҳнат инсонга келтиргай иқбол.

Юз йил яшаб, элга тегмаса нафинг,
Мевасиз дарахтдан не эрур фарқинг.

Ҳалол меҳнат ила ризқ топса инсон,
Бол каби лаззатдир, еса арпа нон.

Меҳнатсиз топилган ул ҳаром молинг,
Маҳшарда сўз очса, не кечар ҳолинг.

Хунарли одам ҳар дам муҳтарам,
Хунарсиздан элга йўқдир эҳтиром.

Фириб йўли билан гар топсанг роҳат,
Жафосин кўргайсан эртага, албат.

Хунарли кишининг йўқ қалбда ғами,
Хунарсизнинг битмас ташвишу ками.

Соғлом бўлса - да ишёқмас инсон,
Ундан афзалдир ишчан ногирон.

Инсон вақтини қадрласа гар,
Билки, у умр дафтарин безар.

Хунарли йўқдан бор қилур,
Хунарсиз ўзини хор қилур.

Бўлса кишининг қўлда ҳунари,
Очилур унга тилсимнинг бари.

Чин меҳнат-ла инсон номин қолдирар,
Ишёқмаслар борини ҳам олдирар.

Бу дунёда топай десанг саодат,
Бил, унинг дояси эрур адолат.

Бирлашса писмиғу мунофиқ аҳил,
Адолат тоғига ундан етгай зил.

Ҳақиқат ижросин топгани замон,
Қаллобнинг кўзидан оқар селоб қон.

Оқил раҳбар доим эл ғамин ўйлар,
Товламачи тўйдаям тўтидай бўйлар.

Адолат, билсанг, ҳукми Аллоҳдир,
Фирибгар кўзи очиқ гумроҳдир.

Адолати бор раҳбар ишда маҳкам турар,
Таъмагир бўлса агар, порахўр номи қолар.

Нодону нописанд бўлса раҳбар,
Ундан адолатни кутмагин зинҳор.

Раҳбар бўлса оқил, адолатпеша,
Тангри қўллаб, иши бешдир ҳамиша.

Нафс йўлида изидан тойса раҳбар,
Абжир порахўр галаси авж олар.

Порахўр илдизигача болта ур,
Кўкармасин, яна суғуриб кўр.

Қонун бўлса устувор,
Ҳукмидан қочиш душвор.

Қонун амал қилса элда туну кун,
Ҳимояси босавоб, фуқаро мамнун.

* Ген - ирсият бирлиги,

* Мутаген - ирсиятни ўзгартирувчи ген.

Ким бировга ҳиммат кўрсатар,
Бил, бешак, у савобга ботар.
Қаердаки қонун бўлса устувор,
Ул саъй - ҳаракат кетмас бесамар.

Адолат ҳукмини ким қилса одат,
Ўзию ўзгалар топгай фароғат.

Адолатли инсон оқил бўлади,
Адолатсиз киши озиб ўлади.

Ҳар тадбирда бўлсаки адолат,
Бу қабоҳат, қабоҳатдир, қабоҳат.

Қайдаки адолат бўлса устувор,
Бундай юртнинг фуқароси бахтиёр.

Эгри бўлса ҳамки, ўроқдир нафли,
Тўғри бўлса ҳамки, қилич кўп хавфли.

Палахмондан эплаб отмасанг тошинг,
Ўзинг ёргайдирсан ўзингнинг бошинг.

Адолат - донолик мевасидир, бил,
Қўлингдан келганча халқпарварлик қил.

Адолат - ибодатнинг бир туридир,
Адолатсизлик - элнинг шўридир.

Яхшилик уруғин соч тириклик чоғи,
Сенга нур сочар икки дунё чироғи.

Тез қарийди ҳасадчининг бари,
Бошқалар бахтини кўрган сари.

Қувончбахш лаҳзалар - умр лаззати,
У мулк эмас, Оллоҳ неъмат.

Умринг абад эмас, охирати бор,
Файзли яша, ҳар дам ўтмасин бекор.

Айбу нуқсоним йўқ дема зинҳор,
Нуқсондирсиз ёлғиз Парвардигор.

Ғанимсиизман дея мақтанма бекор,
Чумолида ҳам дон талаш ғаним бор.

Аллоҳ берган олий неъматдир фарзанд,
Фарзанд келсин дунёга наслига монанд.

Бил, ирсий аломатни наслга узайтирувчи ген*,
Илашмасин ирсий нуқсон омили мутаген*.

Олам аро пок асранг насли насабни,
Соғ фарзанд кўрки эрур ватанни.

Ўғри шоддир, кўрса текин ўлжани,
Тўлғазай дер нафс деган бир ғўлчани.

Айт, кетар бўлсанг дунёни ташлаб,
Ким боради сени лаҳатга бошлаб?

Иснодга ботиб яшагандан кўра,
Хулқинг давосини Худодан сўра.

Ор - номус нелигин билмас бу нодон,
Қани унда виждон ва қани имон!

Оқибат дунёни тарк этгани дам,
Кўмишар, қайтмасин дея, мустаҳкам.

Ақл дунёда кучли-кудратли йўқ ундан,
Уни фақат эзгуликка бошқар, қадрдон.

Ақли-ҳаёт таълими ноёб,
Чироғи-илм, яроғи-одоб.

Ақл, одоб ҳамиша ёнма-ён,
Бил, одоб ҳусни ақлдан нишон.

Олтин-ашёдир, ақл-дурдона.

Одамнинг сиртимас, ақлига қара,
Ақлсиз баҳсдан ўзингни асра.

Ақл-сўз мулкининг дояси,
Ёвдан асрар ширин сўз қояси.

Инсоф-икки нафсинг жилови,
Тиймасанг, ёндиргай нафсинг олови.

Одоб-одамга бир умр зийнат,
Уни улуғлардан изла умрбод.

Дунёда улуғдир ота иззати,
Ота борки, тўкин ҳаёт лаззати.

Ким ота дўстига жон этар нисор,
У ота улуғдир: от ўрнини той босар.

Ўпол-сўпол юрмайди бамаъни одам,
У ҳамиша эзгу ишларга ҳамдам.

Билмайин босма кулни, чўғи бор,
Ишқ йўлида адашма, сўроғи бор.

Китоб-донолар бисоти, ақлга хона,
У илм, заковат зиёсидир, ягона.

Китоб ўқиб, гўё олам кезасан,
Хукми дунё илмидан сабоқ оласан.

Илм самарида устоз зиёси бор,
Унга таъзим қил, сен-қарздор.

Юксакликка интил, илм -минора,
Аён бўлгай олам сири тобора.

Илминг неъматидан эл топса нажот,
Шудир сенинг бахтинг, шудир мол-давлат.

Илми зиёда кишининг,
Ибрати бор ишининг.
Илми чала кишида,
Нуқсони бор ишида.

Илму амал соҳибкорга бўлса ёр,
Мевалари ҳам хуштаъм бўлади бисёр.
Гар маъмурлик бахш этса элга хузур,
Боғбон илми элга сийлов бир умр.

Билак эмас, илм зўр,
Илми зўрни доно дер.

Илмдан иш юришади осон,
Илми йўқ кўнимсиз, сарсон.

Билак кучига ишонса ким-ғўр,
Куч-илмда, ўзингни илмга ур.

Ари мисол ақл йиғиб илмдан,
Баҳам кўргин неъматини эл билан.

Устоз таълими эрур ганжу зиё,
Ҳар каломи ҳаёт, нури—бебаҳо.

Умрбод илм йиғади ақлли инсон,
Орзуси ҳам илмда ушалгай осон.

Чўпдан ҳам қалқон ясайди билимдон,
Илмсиз ҳар ишда эрур нотагон.

Илм бобида кимки пешқадам,
Умри файзли, ўзи муҳтарам.

Билганим ҳануз кам дер саводхон,
Ўзини осмон чоғлар илмсиз нодон.

Илминг бировга бермаса кўмак,
Ўзингни ҳисобла кераксиз кўлмак.

Иш зийнати-илмга амал,
Амалсизнинг иши таваккал.

Мозийдан дарак бергайдир китоб,
Ўқи, унда дунё зиёси беҳисоб.

Гул-боғинг хуснини очади,
Китоб-ақл нурини сочади.

Яхши китоб миллат, масофа билмас,
Ўзи мухлисини топар кўз илғамас.

Китоб-ақл бобида йўлчи юлдуз,
Ўқисанг тун ҳам сенга кундуз.

Китобсиз-тафаккур қанот қоқолмас.

Билмаганинг билдиргай китоб,
Ҳар саҳифаси жумбоққа жавоб.

Олтиндан устун эрур яхши китоб,
У бир вужудки, фазилатга сероб.

Ақл чироғи-илм, дояси-китоб,
Китобсиз жойга борма маърифат истаб.

Фан боғидан тергил илм дурини,
Ҳикмати безагай инсон умрини.

Ҳар китобдан тер илму гавҳар,
Ақлинг жавонига тахла дарҳол.

Илмдан кема яса, ақлдан эшкак,
Илм уммонида суз, доносан, бешак.

Илм— мустаҳкам ҳаёт устуни,
Заиф устун қулар бир куни.

Китоб-ақл боғи, меваси-илм,
Ўдир сенга беминнат муаллим.

Илми кўп йўриқли, сўзга чечан,
Илмсиз доно бўлибди қачон.

Илм зангламас, хазиnasi-китоб.
Йўлингни ёритгай мисоли офтоб.

Китобдан узмаса кимки кўзини,
Иззат бўстонида кўргай ўзини.

Китоб эрур тарих ойнаси,
Олим олим эмас, китоб кўрмаси.

Дунёнинг шодлиги — она меҳридан,
Тилсимлар ечилгай — меҳрин сеҳридан.

Она— олам чироғин ёққан қуёш.

Сўнмасин оналар ҳаёт чироғи,
Узилмасин умр дарахтининг бир япроғи.

Она бир бахтки, меҳри-ҳаёт булоғи.

Тилло тобутда элтма она кетар чоғи,
Тиригида эъзозла сўнмай чаши қароғи.

Холада она бўйи бор, дуоси йўлинг ёритгай.

Аёл ўрнин босолмас ҳеч бир нарса, бешак,
У онадир, меҳридан нур эмар фалак.

Аёлга зеб бўлгай узук, тақинчоқ,
У хижолат чекар ҳаёсизга тушган чоқ.

Яхши хотин, меҳмон келса,
Эрин юзин сарғайтмас.
Ёмон хотин қовоқ солиб,
Чаққан яраси қайтмас.

Аёлли уйда ҳамманинг қадди тик,
Аёлсиз уйнинг бир жойи кемтик.

Аёл туфайли уй чароғон,
Файзга тўлиб тургай хонадон.

Ор-инсон ғурури, вафо-либоси,
Икковидан бебаҳра кимсанинг йўқ ибоси.

Турмуш қурмоқ-умр иши,
Жуфтингда ор бўлгани яхши.

Иболи аёл-зебо,
Бахтин болиши-вафо.

Аёл зийнати -ҳаё,
Унда поклик муҳайё.

Аёл хуснда бўлса ҳамки ягона,
Маҳрамига садоқатда бўлсин зиёда.

Аҳил, иноқ бўлса эр билан хотин,
Фарзандлар камолида топар роҳатин.

Яхши хотин сўзи бамисоли бол,
Ёмон аёл, билсанг, умрингга завол.

Хотин бўлса тежамкор,
Кундан-кун обод рўзгор.

Яхши аёл-уйнинг зийнати,
Ёмон хотиннинг кўпдир ғийбати.

Келин қайнонани деса, онажон,
Қайнона келинга фидо айлар жон.

Аёл гўзаллиги - олам зийнати,
Шакарғуфторлиги-қалбнинг роҳати.

Аёл хусни эрур ҳаёт гултожи,
Жило берар дунёга, боқса нигоҳи.

Аёл алласига тоғлар эгар бош,
Меҳридан гўёки нур олар қуёш.

Аёл ҳаёт нурин таратган башар кӯёши,
Етти иқлимни иситгай меҳрин оташи.

Нақадар оромбахш она алласи,
Унда мужассамдир ҳаёт яллasi.

Она алла айтса, дунёни тутгай садоси,
Меҳридан ором олгай жажжи боласи.

Дунё чирой очар аёл сеҳридан,
Фарзанд камол топгай она меҳридан.

Жамолига дунё қолса ҳамки лол,
Жуфтига ҳалолдир ифғатли аёл.

Бўлса келин ила қайнона аҳил,
Ибратидан минг бор яйрагайдир дил.

Ҳар жувон ёрига бўлса вафодор,
Турмушда тотувлик бўлгай барқарор.

Аёл бўлса уйда оқил, пазанда,
Айрон ҳам хуштаъмдир қозонда.

Аёл қалби - меҳрга хона,
Аёлсиз уй мисли вайрона.



II БОБ ВАТАН

Ватан-онадир бошинг силаган,асра,
У сенинг тақдиринг, унутма сира.

Ватандан бешиб яшамоқ-ақлдан нари,
Чунки у кишансиз банди сингари.

Ўзга юртда яшагунча шоҳона,
Гарчи унда жойинг бўлса кошона,
Ўз юртингнинг бир гардига арзимас,
Киндик қонинг томган Ватан муқаддас.

Олий мартаба ҳадя қилсада ўзга юрт сенга,
Она замин муқаддас, тутгин эсингда.

Қанча эҳтиром кўрсатмасин ўзга юрт,
Она юртинг муқаддас бил, омон, тут.

Салтанат бирла юрсанг-да хорижда хандон,
Она юртинг гардлари афзал эрур минг чандон.

Киндик қонинг томган юртинг,
Тўтиё деб бил кўзингга.
Гардларини тавоф айла,
Нур бағишлар юзингга.

Кимки юртидан бўлса йирокда,
Яшашида маъно йўқ, қалби фироқда.
Ҳарчандки зиёда бўлса ейиши,
Тугамас армони, ортар ташвиши.

Ҳар кишининг бўлмаса ўз ватани,
Танига татимас еганда нони.

Ўзга юртни ҳаргиз ватан билмагин,
Хўрлик тўқмоғи бошингда бўлгай.
Куч-қувватда магар филсифат бўлсанг,
Исталган аснода ёқанг йиртилгай.

Ватанингни муқаддас деб бил,
Ватан учун жонни фидо қил.

Ўзга юртга гарчи тобутинг тилло,
Уни куйдиради дилдаги нола.

Кимни мағлуб этар кибр кучи,
У нодон-одамнинг пучи.

Одамийлик китобини ўқимаган кибрли,
Бошида маърифатдан нишона йўқ белгили.

Кийиниши ҳашам, бодилиги бинойи,
Бузуқ одоби-ла ўзин қилар сазойи.

Манманлик саҳнасидан тушмайди кибрдор,
Актёр ҳам қиёфасин ўзгартолмас бу қадар.

Кибрли қалбида бемаъни ҳавас.
Макр салмоғидан вужуди патос.

Давлатинг ўзингга, кибрингдир бир пул,
Қалб киринг тозала, сен ҳам одам бўл.

Калтабин ўтирса тахтиравонга,
Ўзлигини йўқотгай ўша онда.

Кимни кибр айлар банд,
Ўзин чоғлар донишманд.

Ҳаромдан мол-давлат тўплаган нодон,
Ишратдан дунёни унутгай осон.

Мансаби зўридан юрган эди гердайиб,
Ундан фақат доғ қолди амалдан кетгач тойиб.

Унутмагин, текин бойлик умридир қисқа,
Ҳаддидан ошган илинади тузоққа.

Соғлиқни алмашган нодондир-нодон,
Ош ўрнига ичадур дори-дармон.

Тулпордек юрганди ҳайқириб шахдам-шахдам,
Бойлик кетгач, бўлиб қолди чумоли қадам.

Пора дея жонинг кўйдинг гаровга,
Энди ёнгин ўзинг ёққан оловга.

Кибрли эл назаридан наридир-нари,
Ҳар босган қадами-маломат сари.

Мол дунё, ҳирс касали-сурункали дард,
Уни тез юқтиради, калтабин, номард.

Нафсин тиймаса ким, дард чўзилади,
Бир куни ғирсдай бели узилади.

Бойлик истаб мансабга ўтирса ким,
Дунё йиғишдан бошлар ишини жим.

Кибрдор одоб зийнатидан бебаҳра,
Ундан дўст чиқмайди, кўп ўйлаб қара.

Гердайма, дўстим, хушхулқ бўл доим,
Инсонлар орасида яшаш қандай бахт.
Қалбингни кибрдан тозалай олсанг,
Шудир сенинг бахтинг, шудир сенга тахт.

Ҳаволаниб кетсанг, ошиб ҳаддингдан,
Айриласан бир кун омад, бахтингдан.

Кибрланиб кетсанг, қочгай обрўйинг,
Бир кун келиб сарғаяди ранг-рўйинг.

Манманлик инсонни кўпдан айирар,
Кибри бир кун товонидан тойирар.

Кибр ила манманлик наф келтирмас, бил.
Донолар ўғитига доим амал қил.

Калтабин ўтирса мансаб, амалга,
Дўстдан алоқани узар шу онда.

Киши қалбин маҳв этса кибр-ҳаво,
Унга топилмагай ҳеч қандай даво.
Меҳнат фароғи рўшнолик бахш этар,
Кибр бирла кўнгилдан имон кетар.

Кибр билан ўзгалардан қочса ким,
Бир кун тубанликка бўлар у маҳкум.

Аввал бўлсанг ночор, сўнгра давлатманд,
Ночор ҳолин сўра, ўзингни тутма баланд.

Шариат илмидан яланғоч молпараст нодон,
Манфаат йўлида чора излайди ҳар он.

Борди-ю ҳаж қилса, у эҳтиром талаб,
Кекса-ю устоз қолиб, йўрғалар тўрга қараб.

У ҳар ёна кибр ила назар ташлар,
Ҳажи билан риё этиб, дилингни ғашлар.

Иймонни асрасанг шубҳа-гумондан,
Охират азобдан, билгил, омонсан.

Бир кун тан жондан бўлганда жудо,
Ҳеч кимсан, ўраган енгсиз оқ мато.

Дунёда қололмас ҳеч ким то абад,
Мангу манзилингдир қоронғу лаҳад.

Қолур тож-тахт, жамийки давлат,
Нажот бермас асло қасру салтанат.

Уқ, яхшиларнинг умри боқийдир, ўчмас,
Ёмонлар бундайин шарафга дучмас.

Беморни кўргани қўйсанг гар қадам,
Меҳрингни бер, бўл дардига малҳам.

Бемор меҳрга зор, зардан кўра,
Ундан ҳаққа дуо қилишин сўра.

Дуосида ижобат ва хислат бисёр,
Тангрим айлар сенга ҳам раҳматли назар.

Беморга Оллоҳдан тилагил шифо,
Яратган сенга қилур ажрини ато.

Келиб-кетар бу омонат олам,
Софдил одамлар ила муҳтарам.

Дунёга келибсан, яхшилик уругин соч,
Мунофиқ кимсалар макридан нари қоч.

Диёнат дилларни айласин макон,
Хиёнат билмасин бу аҳли жаҳон.

Иштиёқ бирла улуғ ишларга қўл сол,
Номинг дoston бўлур, эл дуосин ол.

Мазлумлар ҳаққини еган амалдор,
Ўйламайди охират азобин бир бор.

Қарғиш олма, дуо ол,
Умринг кўрмайди завол.

Моддий бойлик омонат, келиб-кетар,
Фирромликдан келса, бошинга етар.

Риё ғолиб бўлса, ҳалоллик синар,
Гуноҳ ошиб кетса, иймонлар сўнар.

Қалби қора одамдан ҳамма нолийди,
Жирканч нафасидан гул ҳам сўлийди.

Ким қанча бўлмасин тақвадор,
Унда зўр эътиқод бўлмоғи даркор.

Гуноҳни катта-кичик демагил,
Лойиқ жафоси бор, унутмагил.

Қалб ойнасини кирламоқ гуноҳ,
Истиғфор айт, покловчи Оллоҳ.

Сабабсиз оқибат бўлмас ҳеч қачон,
Оқибатсиз ишлардан сақлан, қадрдон.

Ситам кўрсатсанг, кечирим сўра,
Гуноҳинг ювилар, тавба қил, жўра.

Ким мазлумлар ҳақини еса мудом,
Дастурхони нопок, егани ҳаром.

Фонийдан боқий манзил бир чақирим,
Кетар чоғи дема: бесамар умрим.

Дарё тошса қирғоғин бузар,
Бойлик тошса, ҳаромхўр йўлдан озар.

Соғлик кетса, шифоси бор,
Иймон кетса, у нажотга зор.

Оллоҳга сажда-иймонга сажда,
Эътиқод йўқ танда иймон қайда!

Иймон қалбнинг хушбўй эътиқод жойи,
Эътиқод, иймонга бўлгин фидойи.

Мол-дунё ҳирсига тушган одам,
Ҳазм қилади филни ютса ҳам.

Одам ақли машинани яратган,
Бошқаради уни ақл билан.

Ўтир машинага эс қўйиб,
Армонсиз яша дунёдан тўйиб.

Машина хушёрга қаноат, мастга ажал,
Хушёрга қоида эрур дастурил-амал,

Юз тезлик-кўнгилсизлик,
Қилма ҳеч эҳтиётсизлик.

Юз ёш - Оллоҳдан каромат,
Юз тезлик- ҳалокат.

Юзга кирсин киши,
Юз тезлик-кўз ёши.

Селекционер олим
Жуманазар ТЎРАЕВнинг
илмий ютуқларига оид айрим
фотолавҳалар.




**Шоирнинг онаси
Зиёда мома**




**Ж. Тўраев ТСХИ
аспиранти**



**Устози профессор
Нагибин Я.Д.**




Сурхон воҳасининг сувли ҳайдалма ерпасттекислигида хандон пистани ўстириш, ҳосил олиш имкони борлиги ва мева ҳажмининг қурғоқчил тоғли зонага нисбатан йирик ва юқори ҳосил олиш имкони мавжудлигини тасдиқловчи солиштирма фотолавҳа




Республика маназарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказининг (РМБ ва ЎХИИЧМ) Жиззах вилояти тоғолди Ғаллаорол туманида ўстирилган хандон пистаниннг ҳажм кўриниши.

Онтогенезда организмнинг ички физиологик, биологик жараёни сақлаши, ташқи муҳитнинг салбий таъсирига жавобан иммунитетнинг ҳосил бўлиши генотипик, фенотипик адаптациянинг фойдали структурасини таъминлайди.

Бунда тўқима ва ҳужайраларда биохимик, физиологик, метоболик ўзгаришлар бўлиб, муҳитнинг организмга мувофиқлиги натижасида ўсимликларда функционал мослашувни (адаптация) юзага келтиради. Бундан Эроннинг интродукцион пистасини (бундан тоғолди қурғоқчил ҳудуди мустасно) Сурхон воҳасининг сувли томорқа ҳўжалигида кўп йиллик иқлимлаштириш борасидаги изланишларнинг самарасини дарахтнинг мазкур муҳитга жавобан ўзининг генетик структурасини сақлаши (генетик гомеостаз) қобиляти дарахтнинг ҳосилини намоён этувчи фотолавҳа тасдиқлайди.




1995 - 2013



(1971 - 2014 й)

Воҳанинг иқлим ўзгаришига чилон жийданинг сувли пасттекислик томорқа ҳўжалигида 42 йилдан (1971/2014) буён яшовчан дарахтнинг ҳосил бериш қобилиятининг тийилмаслиги, ям-яшил навқиронлиги унинг умрибоқийлиги ва тўла функционал генетик мослашувини акс эттирувчи фотолавҳа.





Мазкур суратда агроэкологик муҳит доирасида Американинг кўп йиллик озуқабоп ўсимлиги Сильфиянинг ўсишига боғлиқ бўлган ушбу экологик омилнинг ўсимликдаги фойдали адаптив реакция кўлами кўздан кечирилмоқда.

1990 йил



Ж. Тўраев С-6040 ипак пахта навининг муаллифи сифатида ҳосилдорликнинг муҳим хўжалик белгиларидан бири саналган биринчи ҳосил шохининг тайёр бўлиш ўрнини ғўза танасида кузатмоқда.

III БОБ ЗИРОАТЧИ ЎГИТЛАРИ

ЕР-САХОВАТМАКОН, ДЕҲҚОН — ХАЗИНАБОН

Билсанг агар, ер ёзиқ дастурхондир,
Тириклик манбаи, неъматга кондир.
Тер тўкиб гар бўлсанг анинг фидоси,
Саховат файзингнинг бўлмас адоси.

Она ер хазинадир, тўйдирар,
Юпин бўлсанг, шоҳона кийдирар.
Бағри кенг роҳатбахш бир кошона,
У ҳаёт тожи эрур ягона.

Ердан ганж-ризқ ундириб деҳқон,
Ҳалол меҳнати-ла топар шон.
Ихлос ила меҳнат айласа деҳқон,
Тоғнинг тошини ҳам айлар гулистон.

Тажрибага таяниб ишласа деҳқон,
Ташландиқ ерларда ҳам мўл-кўл дон.
Дастурхонини айлагай тўкин- сочин,
Зорлик кўрмагай асло қишин-ёзин.

Сатрлар узра сўзлар тушса қоғозга бежо,
Тузатиш осондир дарҳол қилиб жобажо.
Гар деҳқон адашса бежо, билки, кўп армон,
Билсанг, хатоси йилларга урар бегумон.

Хорижий неъматлар сабзавот кўрки гўзал,
Аммо она замин сабзавоти ундан кўп афзал.
Ўзингдаги хушхўр неъматларни эк, аввало,
Ўзга полизларнинг рангига бўлмай маҳлиё.

Ирсиятда бузилган уруғни сочма, соғлик душмани,
Хуштаъм полизларинг асли маъмурлик кони

Шиддат ила иш бошласа аҳли деҳқон,
Дарёлар изидан юрар ёнма-ён.

Биёбонда ҳам ҳаёт мавж уриб чиндан,
Элда хуррамлик ила риск топар чўпон.

Ер икки дунёда ҳам ҳаёт паноҳи,
Фидойига нажот бергай исталган чоғи.

Кузги шудгор ҳосилга пойдевор,
Ҳар фаслнинг ўз саховати бор.
Ҳосил йўлида ҳалол меҳнат қил.
Кузги иш йилга таътир, яхши бил.

Йигит моли ерда пинҳон,
Олтин ундиради чорасин топган.
Астойдил шимар билагинг.
Топгайсан не истасанг тилагинг

Неки бўлса саховат, ерда мужассам,
Сийлашини аямас, ким унга малҳам.

Фасллар сўровсиз изма-из эшик қоқар,
Аямас саховатин, деҳқон бўлса миришкор.
Гар деҳқон билмаса қулай вақтини,
Бой беради мўлҳосил-у нақдини.

Бошоқда кафт тўла дон,
Яхши қара аслига обдон.
Сўнг меҳр-ла ерга соч,
Ботмон қайтар, хазинанг оч.

Ҳар жой тупроғин дема соз,
У бўлавермас экинга мос.
Танла ҳар экинга мос тупроқ,
Сўнг ҳосил олгайсан кўпроқ.

Гўнг тупроқни озиқ-ла айлар бўстон,
Ҳадя этар элга омбор тўла дон.
Шарбатидан авж олар экин-тикин,
Ҳосилидан дастурхон бўлар тўкин.

Сувчи бўлса миришкор,
Экин сувдан мириқар.
Йўқдир сувчида укув,
Бил, бефойда оқар сув.

Дехқон бўлсанг, сахар тур,
Даланг томон илдам юр.
Ҳалол ишласанг агар,
Мўл ҳосил юз кўрсатар.

Тер тўкиб гар қилсанг меҳнат,
Чўлни ҳам қилгайсан жаннат.
Ерга меҳринг қўйсанг, албат,
Кўргайсан саховат, роҳат.

Ер мавжудот онаси,
Севсанг, кўнглин очади.
Сара уруғ сочсанг сен,
Хазинасин очади.

Билсанг, вақт олтиндан қиммат,
Ортга қайтмас, бил ғанимат.
Дехқон бўлсанг, қадрига ет,
Тер тўк, вақтнинг мевасин кут.

Ақлни ишга солиб ҳар чоқ,
Дехқон илмидан олгил сабоқ.

Дехқон ер юзини обод этар,
Экин экиб эл қалбини шод этар.
Меҳнатидан бўлар бутун нони,
Асл деҳқон юртнинг ифтихор, шони.

Ҳар ишда ақлингга таян,
Донолар ўғитига суян.
Уларнинг панди олтиндан қиммат,
Ҳар сўзи лиммо-лим ибрат.

Шунда меҳнатинг беҳуда кетмас,
Ер саховатини дариф тутмас.

Ернинг юрагини эшита олсанг,
Ризқ-рўз эшиги очилади ланг.

Ерда хазина ботмон-ботмон,
Тилсимини билган асл хазинабон.

Ер фидойига нажоту макон,
Ялқов ҳар жойдан излайди дон.

Парча ер деб ҳеч талашма,
Ҳаммамиз- ерники, асло адашма.

Дехқон ҳимматидан жўш урар тегирмон овози,
Ҳатто, эҳтиром изҳор айлар қушлар парвози.

Сув оқмасин бефойда,
Сув бўлмаса, ҳаёт қайда.

Сувни тежа, у тириклик нақди,
Унингсиз кўкармас умр дарахти.

Гар сувчи уйқуни қилса одат,
Экин ўрнига жар қолур оқибат.

Дехқон экинга гар солмаса назар,
Бепарво бошида зарарқунанда раҳбар.

Сувчи бўлса тадбиркор,
Ишида барака бор.

Сувни вақти-тобида бер,
Ҳимматини ҳосилда кўр.

Неки бўлса замин остида пинҳон,
Дехқон меҳнати-ла бўлур намоён.

Ерни боғ қилки чунон,
Уйинг тўла бўлар дон.

Ерни қаровсиз ташлама,
Сўнг кузда бошинг қашлама.

Ерга экиб ташламоқ осон,
Самараси зўр имтиҳон.

Ер эгасин гар топса,
Сийлагай уни роса.

Ер қаровсиз қолмасин зинҳор, бефойда,
Тириклик мужассам унда, тутгил ёдда.

Қаерда деҳқонлар бўлгай аҳил,
Мўл ҳосилнинг тақдири ҳал билгил.

Вақтини бой берса деҳқон бир муддат,
Фойдаси бўлмас, қанча қилса хизмат.

Олай десанг мўл ҳосил,
Аввал уруғ танлай бил.

Вақтни буриб бўлмас, бил, истаганингда,
Вақтида эк, ол ҳосил истаганинигча.

Ернинг хасталиги пинҳон,
Унинг шифокори деҳқон.

Пайкал узра деҳқон кезса беармон,
Хирмон ҳосилга тўлар бегумон.

Дунёнинг олтин-зарин йиғсанг ҳам,
Улуғлигинг бир бурда нондан кам.

Кимки ерга меҳр кўрсатар,
Омад унга доимо кулиб боқар.

Деҳқон экинга солмаса назар,
Бил, на дон, на поясидан бўлмас асар.

Танласанг гар сара уруғ,
Ҳосилдан қолмайсан қуруқ.

Эксанг-у, меҳнат бўлса сушт,
Экмаганинг минг бора дурушт.

Деҳқон меҳнати-ла иситса ер сағрини,
Ер кузда мўл ҳосил ила очгай бағрини.

Ерга хиёнат- элга хиёнат.

Ер икки дунёда ҳам инсонга макон,
Ерни қадрлагин, сенга етмасин зиён.

Аҳдинг бўлса ерни айламоқ бўстон,
Қилгай бор бисотин, тўла намоён.

Кузда эксанг, кутгил хирмон,
Кетса фурсат, қилгил армон.

Асл деҳқон саҳар турар,
Ялқов деҳқон туш кўрар.

Деҳқон бўлса тадбиркор,
Ризқи ҳам бўлар бисёр.

Меҳнатдан-ернинг зийнати,
Ризқ -ернинг саховати.

Ернинг наққоши-деҳқон,
Жилвалантирар чунон.

Чин деҳқоннинг рўзғори бут,
Ялқов деҳқон юзи шувит.

Асл деҳқоннинг ризқи бўлиқ,
Ялқов деҳқон топмас йўриқ.

Асл деҳқон ерга офтоб,
Ялқов деҳқоннинг-чи, ери хароб.

Асл деҳқон излар имкон,
Ялқов деҳқон чекар фиғон.

Асл деҳқон ер фидоси,
Ялқов деҳқон дон гадоси.

Асл деҳқон излар чора,
Ялқов доим оввора.

Меҳнатдан бол бўлар тотганинг,
Йўкса еярсан не топганинг.

Деҳқон бўлса ҳар бир ишда омилкор,
Меҳнатидан файзу барака топар.

Ерни қилсанг қирма омоч,
Зорлик тортиб, қоласан оч.

БОҒДОРЧИЛИК

Тош ё ғўлакни бежо қилиш осон,
Дарахтни силжитиб бўлмас бир он.
Маълум бўлгач меваси ширин ё нордон,
Шунга қараб қиласан хулоса, эй боғбон.
Танлаб ниҳол эк, аслини сўраб,
Умри ўтмасин, меваси сенга қараб.

Асалари эрур митти бир жон,
Лек хислатлари бор олам жаҳон.
Гулғунчаларга у бўлса парвона,
Дарахтлар шоҳини безар дурдона.
Мевалари бўлар хуштаъм,шифоли,
Шифобахш неъматдир нектари, боли.

Хурмо дастурхонга зўр тортиқ,
Лаззати болдан юз чандон ортиқ.
Буқоқ касаллигини доим этар даф,
Камқонликка шифо, берар катта наф.
Хурмо эрур меваларнинг сараси,
Шифоликда йўқдир унинг қиёси.

Шохларида гул ғунчалар бўлганда аён,
Токни хомток қилгин бенуқсон.
Шунда қатма-қат мевалар бўлади ўктам,
Лаззатидан роҳат қилгай барча одам.
Гар нур тушмаса ток бошига,
Билсанг, борма ундай узум қошига.

Ақлни ишга сол ҳар чоқ,
Боғбон илмидан ол сабоқ.
Унда бол бўлар тотганинг,
Йўқса, ерсан не бўлса топганинг.

Қалби пок бўлса боғбон,
Иши юришар равон.

Танлаб экса кўчатни гар,
Ҳосилидан роҳат кўрар.

Қандай кўчат келса дуч,
Аслига қара ҳар чоқ.
Меваси гар бўлса пуч,
Ўтиндир, жойи ўчоқ.

Шохларда мўл бўлса қанча гул миқдори,
У эмасдир йиғилгуси ҳосил тақдири.
Сара ҳосил олмоқ истаса ҳар боғбон,
Кузатсин, қанча гул чангланди қачон.

Ҳовлисини боғ айласа ҳар инсон,
Соясида салқинлаб, роҳат топар жон.
Ҳар хил меваларнинг тотиб лаззатин,
Ўзни сиҳат сезар мезбону меҳмон.

Боғбонлик илми, билсанг, хазина,
Ўқиб-ўргангин-у, ҳар дам сабоқ ол.
Соҳибкорлик сири мўъжизакор,
Боққа кир, куртаклар сўзига қулоқ сол.

Амал қилсанг асл боғбон сўзига,
Новдалар ром этар сени ўзига.
Куртаклар айланиб гул, довчаларга,
Мўъжиза кўрсатган инсон кўзига.

Тошни тарашлаб шакл бериш осон,
Бу ҳол тош йўнар устага боғлиқ.
Дарахтга шаклу меҳр берса боғбон,
Билки, чўнтак тўла пул, қозони ёғлиқ.

Новдаларда гул тугунлар бўлганда аён,
Шохларни хомтак қил, еткизмай зиён.
Сўнгра парваришни қўйсанг жойига,
Кутганингдай ҳосил берар бегумон.

Ёш ниҳол парвариш кўп айлар талаб,
Хоҳ у оқшом бўлсин, хоҳи эрталаб.
Асл боғбон ниҳолни гўдакдай билар,
У билан сўзлашади, сийпаб, эркалаб.

Тадбиркор боғбонда бўлса фикр, ақл,
Дарахтга вақтида беради шакл.
Вақтини бой бериб, ғафлатда қолса,
Боғин кесиб ўтин қилгани маъкул.

Ўз ҳовлисин боғ этса ҳар бир одам,
Боғу бўстон бўлар эди бу олам.

Кўчат эккин ўйлабон обдон,
Дема кейин меваси нордон.

Саралаб эккан қанд ер,
Топганини тиккан панд ер.

Бир кун имконини бой берган боғбон,
Йил бўйи чекади оҳ ила фиғон.

Бетакрор ёшлик лаҳзалари ҳисоблик,
Сендан боғ қолса, шу умрбоқийлик.

Боғбон аҳли саховатпеша,
У боғлар ижодкори ҳамиша.

Қаддига мос шакл олса дарахт танаси,
Дастурхонни тўлдиради мева- донаси.

Қиз жамоли-қош, ариққа-тарош,
Дарахт хусни-мева, эгиб турса бош.

Боғбон дарахтга беролса қомат,
Меваси хуштаъм, сояси роҳат.

Дарахт меваси ила кўркам,
Мевасиз у ўтин бўлгай дам-бадам.

Ҳар фаслнинг ўзида бир инъом бор,
Дур ундиради, кимга илми амал ёр.

Асл боғбон чўлларни бўстон қилар,
Бебурд боғбон бут боғни хазон қилар.

Чин боғбон кўчатни болам деб билар,
Субутсиз боғбон чин боғни жангал қилар.

Сув ва офтоб нури бўлса мужассам,
Боғлар серҳосил бўлар, меваси хуштаъм.

Боғингга бўлса сув, қуёш, озиқ ҳамдам,
Шохларда фарқ пишар мева мужассам.

Қуёш аямас заррин нурини,
Боғлар бера берар мева, дурини.

Агар нур тушмаса ток бошига,
Узум излаб борма ҳаргиз қошига.

Кўчат экса жойин танлаб эгаси,
Мевасидан кўз қамашар, тор бўлса-да ҳовлиси.

Қайчиси тинмаса агар боғбоннинг,
Файзи ўчмагай ҳеч дастурхоннинг.

Боғбон боғни айласа саришта,
Кириб келар жаннатмакон фаришта.

Боғда қанча мужассам эрса боғбон заковати,
Кўзни қамаштиргай қат-қат сархил саховати.



ЧОРВАЧИЛИК

Моли тўқнинг кўнгли тўқ, бўлмади хор,
Қишин-ёзин мол гамин еса чорвадор.

Кишинингки бор бўлса уч-тўртта моли,
Кундан-кунга яхшиланар аҳволи.
Ҳамён тўла пули, катта тўй қилар,
Дўст қувонгай, данғиллама уй қилар.

Ким чорвачилик бирла машғул бўлар,
Тили бурро, чўнтаги пулга тўлар.
Рўзғоридан аримайди гўшт ва ёғ,
Не истаса муҳайёдир, кўнгли чоғ.

Моллининг юзи ёруғ, молсизнинг юзи чориг,
Боболардан бу ҳикмат биз учун ибрат.

Молдорлик-бу пулдорлик.

Моли йўқни ҳоли йўқ.

Тинмаса молининг тили ва туёғи,
Уйингдан аримайди сут ила ёғи.

Молу еринг тўқ бўлса гар,
Қаддинг тик, остонадир зар.

Чорвадор ёзда бўлса тежамкор,
Қишда ҳам моли бўлар маҳсулдор.
Чўпон кўзи уйқуни қилса хумор
Қишдан чиқимсиз чиқиши душвор.

Тошни болиш, ерни кўрпа билмаса чўпон,
Талафотдан чорваси қолмагай омон.

Чорвачилик илмини ким яхши билар,
Яхши яшамоқни-да у яхши билар.

Кишининг бўлса сигир, қўй, эчки, улоғи,
Билки, қайнар рўзғорида сут-қатикнинг булоғи.

Яйловларда кишнаб юрса йилқи уюри,
Бу юрт элин доим баланд бўлар ғурури.

Кимки уйда ўн-йигирма қўй қилар,
Билки, бир кун элни чорлаб, тўй қилар.

Оғилида бўлса кимнинг сигир-бузоғи,
Рўзгориға яқинлашмас камлик тузоғи.

Кимнингки кўп бўлса чорваси,
Камликдан бўлмагай парвоси.

Моли борнинг кўнгли тўқ,
Моли йўқнинг жони йўқ.

ҒУЗА ҲАЁТИДАН САБОҚЛАР

Ғуза кўп мўъжизамакон,
Бизни кийдирар обдон.

Чигити чорвага соз озиқ,
Ёғидан турфа таом, қиёси йўқ.

Пояси пиширади ширмой нон,
Чигити тўқ турмуш доим фаровон.

Тупроқда бўлса ўн тўрт даража ҳарорат,
Чигит эқмоқ учун қил тезроқ ҳаракат.

Сурункали намлик ошиб, етмас ҳарорат,
Бохабар бўл, қилма беҳуда ҳаракат.

Ниҳоллар нимжон бўлар, кўчат эса ола,
Ҳосил йўлида йил бўйи қилурсан нола.

Ҳавода 23°-26°-бўлса ҳарорат,
Тупроқда 12-14 даража бўлмоғи шарт.

Бундай фурсат қадрни англаб ол,
7-9 кунда майсалар унади дарҳол.

Табиат ишорасига килсанг амал,
Пушаймон бўлмайсан ҳар маҳал.

Муҳитда ҳарорат 18-22 бўлганда ҳам экма,
Унда кўкариш 11-13 кун чўзилади, унутма.

Ҳавода ҳарорат эрса паст, тупроқда юқори нам,
Тупроқ зичлашади, кислород эса кам.
Чигитда бузилар биохимсинтез жараён,
Уруғ мажбур чирийди, оқибати армон.

Пайдо бўлиб уяда спирт ила сут кислота,
Дала бўш қолур чириш зўридан ҳатто.

Ғар фосфор шудгор тагига солинса,
33-36 кунда баҳра олади майса.

Бироқ ўғит 3-4 см чигит тагига тушса,
Ҳазм айлар уни 5-6 кун ўтса.

8-9 см. чуқур, 2-3 см. нари тушса ғар,
Нафи 9-10 кунда кўрингай, қил бовар.

5-7см. ёнидан, 13-15 см.га ботса,
Баҳраси кўрингай 5-18 кунига етса.
Ҳазмда муҳимдир тупроқни турли хоссаси,
Чигитга манфаат берсин ўғит масофаси.

Бироқ ўғит-ла экишнинг муносиб усулини қўлла,
10-20 кг.дан соф озиқ беришни танла.

Сугоришда ерни қиялик сифатига қара,
Текис бўлмаса, ўзни қилма овора.

Йўқса, эгат олиб экма беҳуда,
Асов сув бошингни қотирар жуда.

Ерга кафтдек текис ишлов бер,
Ғўза қонса, натижани ҳосилда кўр.

Қумлоқ ерни сув ўтказувчанлиги баланд,
Озиқни сувдан кейин бер ҳарчанд.

Шунда ўғит илдиз ила бўлиб ҳамкор,
Сўнг илдиз озиқни ғўза томон элтар.

Ёр бўлиб ўғит, илдиз ёнма-ён,
Озиқ қумга сизилмай, самараси ҳукмрон.

Қатор ораси 60 см. экилган палла,
80-120м. суғориш поёнин танла.

Қатор ораси 90 см. бўлганда эса,
Қанийди 150-300м.да хумори қонса.

Баҳра олур ҳар суғориш онингда,
Ғўзалар текис ўсар кўз қароғингда.

Сув ила озиқ кириб ҳазм фаслига,
Фунча гул тез айланур қўсак аслига.

Тупроқни сув ўтказувчанлиги муҳим жиҳат,
Боз таркиби экинга жуда қиммат.

Сув талаб лаҳзалар ўтмасин бекор,
Суғор ўз вақти меъёрида зинҳор.

Ғўзанинг сервиқор, серҳосил бўлиши,
Илдизнинг қудратиدير ва иши.

Мўл ҳосилга изласанг чора,
Соғлом илдиз таркин асра.

Парваришда мавжуд дастури амал бор,
У доим деҳқонга йўриқчи, мададкор.

Тупроқдан юз кўргизган ҳафталик навниҳол,
10-15 сантиметрга илдизи нишлайди дарҳол.

Икки ҳафта вояга етган ниш-илдиз,
Ярим метр тупроққа кириши жоиз.

Фунча даври ўқ илдиз изчил қадам ташлайди,
Гуллаш вақти тана тезда қад ростлайди.

Тана ўсган сари ён илдизлар нажот сўрайди,
Баҳра олиб озиқдан ҳазм ишин бошлайди.

Бил, йигирма сантиметр тупроқ аро,
Етмиш фоиз фаол илдиз раҳнома.

Озуқани тинимсиз тана томон бошлайди,
Сўнг бор кучин ҳосил нишонига ташлайди.

Сув босиб зиёда айласа намлик,
Тупроқда кислород қилар камлик.

Илдизнинг ҳаво алмашуви бузилгай,
Карбонат кислота ҳосиласи узилгай.

Тупроқ зичланиб қатқолок, ўктам келур,
Илдиздан озиқ сўриш кучи кетур.

Сўрувчи толалар ҳосил бўлмай аксида,
Модда ҳазми, фотосинтез пасаяр аслида.

Оқибат ўсимлик учун муҳим моддаларни,
Синтез салмоғи ҳам сўнар аларнинг.

Икки метрдан ортиқ кетар ўқ илдиз нуқтаси,
Илдиз фаолини билса, фойдалидир, қисқаси.

Ҳар кўчатга лойиқдир озиқ майдон,
Зич ё ола элма, ҳосилга зиён.

Парвариш сирини билмасанг гар,
Меҳнатинг зое, нақтинг-да кетар.

Эк навига мос майдон танлаб,
Экиш услубин олдиндан ўйлаб.

Ўзаларни ўғитлаш йўриғига амал қил,
Ҳар озиқда озиқ майдони ташлагил.

Шунда кўчатлар бир-бирига бўлиб ҳамнафас,
Сув, озиқ, қаров хизмати сезилар ҳар нафас.

Қулай намлик, ҳароратдадир экин ривож,
Бу имкондан нозил бўлур ҳосил иложи.

Бу омиллардан фойда ол, доим йўлингда,
Унутма, мўл ҳосил гарови, демак, қўлингда.

Ўзани озиқлаш илм-амалини бил,
Муддат ва миқдорига қатъий амал қил.

Ҳар ишловда бор хос парвариш мезони,
Амал қилсанг, тез бўлар озиқ ҳазм ўсиш имкони.

Фосфор эгат ўртасига солинса,
Силжимаиди, қолди шу жойда.

Ҳазм учун илдиз қадам босса,
40-50 кун ўтар, баҳраси бефойда.

Азотли ўғитлар тупроқ узра ҳаракатчан,
Бироқ уларнинг турига қара ҳарчанд.

Экин ривожига обдон қара,
Меҳнатинг манфаати берсин самара.

Шиддатинг қанча ҳосил олмоқ, имкон қил,
Бир центнер ҳосил учун озиқ сарфини бил.

Бир центнерга 5 килограмм азот.калий,
1,7 кг соф фосфор зарур,
Шунга қараб ўғит миқдорини ҳосилга чоқиб кўр.


Ўзада муҳим омилдир фаза аро ўсиш ривож,
Шунга қараб ўғитни тақсимла, бор иложи.

Ҳозил бўлса мевалари, озиқни аяма 65-70% муҳтожини,
Шунда бу амаллар ўзага кийгизгай ҳосил тожини.

Биринчи озиқни бер 2-4 чинбаригида,
15-16 см кўчатдан нари,
Ва 12-14 см қатламда тушсин миқдорнинг бари.

Иккинчи озиқни ўза шона кўрсатганда бошла,
Кўчат оралиғи 20-22 см ва 3-4см эгатдан чуқур ташла.

Учинчи озиқни ёппасига гул кўрсатганда тут,
Яна ўғитни 3-4см. эгат тагида кут.



Гўнг турфа хил озикдир экинга,
Мавжуд молинг туфайли текинга.

Вақтида ерга сол, қуввати татир йиллар оша,
Шунда кўргайсан қат-қат ҳосил томоша.

Гар деҳқоннинг бўлса меҳри ила қарови,
Сийлашни аямас, у мўл ҳосил гарови.

Бу муҳим омилларни дастур бил,
Агро йўриқларга доим амал қил.

Биринчи ишловда ниҳолга 10-12 см ҳимоя ташла,
Ва кўчат ёнини 6 см юмшатишдан бошла.

Иккинчи ва кейинги култивация амалида,
Чекка органлар 8-12 см чуқурликка етсин.

Бошқа аъзолар 12-15 см кўчат ҳимоясида,
16-22 см эгат ўртасидан ботсин-да.

Ер тобида ўтса, сўрувчи илдизларни зичлайди,
Култиватор уларни ғўлакка илиб юзага ташлайди.

Ишлов бериш кечикса, икки кун, йўқолур 4.5 центнер,
Гарт тўрт кун кечикса, 5.5 центнерга етади путур.

Унутма, шона ва гуллар мажбур тўкилар
Ва ҳосил чўғига, албатта, зиён етар.

Бежиз эмас бу далиллар,
Гувоҳлик бергай илмий манбалар.

Умид қилсанг эрта ҳосил накдидан,
Чилпи ғўзани кечиктирмай вақтидан.

Тарвақайлаб ўсса гар ғўза шохи,
Чилпиш зарур ҳосил шохи 14-16 бўлган чоғи.

Бироқ (нол шохланиш) бош танада жойлашса мева шохи
Чилпи мева шохи 18-20 бўлганда гоғи.

Сўнг қуёш нурини бериб фойдага,
Шоналар тўкилмай ёпишар танага.

Шунда сув, ўғит баҳрасидан ҳосил нишони ошар,
Кўраклар вазни тўлиб, ҳосилдан кўз қамашар.



КИТОБ МУАЛЛИФИНИНГ СЎНГГИ СЎЗИ

Азиз китобхон! Одам ва оламини, инсоният тажрибаларини, урф-одатлари, орзу-умидларини, қувонч-ташвишларини кузатиш, фазилатлари, насиҳат, васиятларини авлодларга етказиш ижодкорнинг фикрий кашфи, мантиғи бўлиб, байтларда ифода этилган дилдаги бисотидир.

Бу туйнуксиз мовий осмон дунё гумбази остида ҳаёт кemasида сузаётган турли табақа одамлар билан мулоқотда бўлдим ва ақл дафтарига иншо этдим:

Соф ниятли одамлар дилини яралувчи жоҳилни;

Покликни қадрловчи олий ҳимматли одам аслини;

Ҳазрати инсон аталмиш улуг номга иснод келтирувчи мунофиқни;

Инсонни нурли ҳаёт сари етакловчи улуғларини;

Эл ризқига хиёнатчи зараркунанда порахўрларни;

Меҳнатни камоли иштиёқ-ла улуғловчи одил фидойини;

Маърифатдан яланғоч, давлантманд, илми ночор киборни;

Нафс жиловини маҳкам ушлаб, қаноатни бойлик ҳисоблаган сабр эгасини;

Манманлик саҳнасидан тушмай, кексаю устоздан ўзини устун қўйган таъмизи нотавонни;

Қалбида ақл неъматини парвариш этган хокисор, зийнатхулқ покдомонни;

Ҳаётнинг аччиқ-чучук ҳосили қадрига етолмаган бойлик овсари, сўхтаси совуқ, эркатоӣ нодонни;

Меҳнат, эзгулик, одамийлик, бунёдкорлик ишлар самарасини бахт деб билган ҳалол тантини тилга олдим.

Бўлавермас экан ҳаммада ҳам сеҳр, қарам ва одамлар ўхшамас экан таъмиз ҳам. Одамлар бор: сўзида сеҳр, дилида қаҳр, сўзи бол ва бузуқ хаёл, либоси арзанда, одоби ганда, субути кўришга лойиқ, туриши мунофиқ, ўзи рангпар, меҳри ёқар.

Одамлар тилагида бўлмасин кина-адоват,

Дилларда мавж урсин меҳр-мурувват.

Дунёда яхшилар бўлсин зиёда,

Кўкармасин ғанимлар она диёрда,
Бошимизда истиқлол нури абадий порласин,
Ўзбекистон шуҳрати жаҳон узра янграсин.

Муҳтарам кутобхон! Узрлар бўлсинким, сўз эгаси ижод бобида ўзини камчиликлардан ҳоли деб ҳисобламайди ҳеч қачон. Ўзини ўзгалардан зиёда билибди деб ўйламасликларингизни минг бор таъзим бирла ўтиниб сўрайман.

Сиз, одамлар борки, олам абадий мунаввар, маъмур, ҳаёт жўшқин, юртимиз обод, нурафшон.

Ердан дур ундираётган, ер бағридан узоқ юлдузларга , ўзга сайёраларга ташриф буюриб, коинотнинг сирли сепини очаётганлар, тоғ тизимларини кесиб, рабоб солаётганлар ҳам сиз, азизлар. Одам абадият каби азиз ва мукарамдир.

Шу боис Оллоҳ яратган жамики онгли тафаккур эгаси бўлмиш Ҳазрати инсон орасида ҳам фазилат, иллат каби одам сифатини белгиловчи аломатлар борлигини англаш ҳам одам ақлидан нари эмас.

Йиллар оша турли ҳаёт саҳналаридан олинган ҳамда хотира тасмасида муҳрланган, кексаликда иншо этиб афористик иборалари орқали авлодларга ҳавола этаётган ушбу дил ўғитлари , одабийликка ундовчи чақириқ ва танбеҳлар, имонни покловчи шариат ишоралари орқали кишида одоб сифатини яхшилашга, ҳаётда ўз ўрнини билиб яшашга ишора этса, ёмон кайфиятларни четлаб, кўнгилни нохуш кўчаларга кириш истагидан қайтариб, қалбида қатра томчидек маънавий руҳ учқунини уйғотса, муаллиф китобхонни бефарқ қолдирмади дея умид боғлайди.

МУАЛЛИФ

МУНДАРИЖА

Нур таратиб яшаш завқи.....	3
Дилдаги бисотим менинг.....	15
Ватан.....	41
Зироатчи ўғитлари	53
Боғдорчилик.....	59
Чорвачилик.....	63
Ўза ҳаётидан сабоқлар.....	64
Китоб муаллифининг сўнги сўзи.....	72

Қайдлар учун

1

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР**Жуманазар ТЎРАЕВ****ҲАЁТ ЧАРОҒИ**

Шеърлар, бадиалар

Муҳаррир:	Менгнор ОЛЛОМУРОД
Техник муҳаррир:	Жума ШАЙМАТОВ
Мусахҳиҳ:	Гулчеҳра РАҲМАТОВА
Саҳифаловчи:	Гулнора МЎМИНОВА

Нашриёт лицензияси AI № 257, 31 декабрь 2014 йил.
Теришга 10.08.2015 йилда берилди. Босишга 08.09.2015
йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Офсет қоғози.
Pragmatik TAD гарнитураси. Шартли босма табағи 4.42.
Нашр босма табағи 3.17. 386 - сонли шартнома. 1651-сонли
букюртма. Адади 300 нусхада. Эркин нархда

НАШРИЁТ МАНЗИЛИ:

«Сурхон-Нашр» нашриёти Термиз шаҳри,
Ф.Хўжаев кўчаси, 30-уй.
Тел: (+99876)223-24-74.

БОСМАХОНА МАНЗИЛИ:

«Сурхон-Нашр» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 30-уй.